ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ — ОЛИЙ БАХТ

OZBEKISTON KASABA UYUSHMALARI FEDERATSIYASI

FEDERATION OF TRADE UNIONS OF UZBEKISTAN

ИШОНЧ

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

21 апрель, сешанба 1998 йил №46 (548)

Сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чиқади

УШБУ СОНДА:

2-бетда

АНИҚ САВОЛГА ЮЗАКИ ЖАВОБ

3-бетда

ҲАҚ ЖОЙИДА ҚАРОР ТОПМАГАН

4-бетда

ТЕАТР ҚУТЛУҒ ДАРГОҲ

ПРЕЗИДЕНТ ҲУЗУРИДА ҚАБУЛ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом КАРИМОВ 20 апрел куни Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Ташкилотининг амалдаги раиси, Польша ташқи ишлар вазири Бронислав ГЕРЕМЕКНИ қабул қилди.

Давлатимиз раҳбари ушбу ташрифни Ўзбекистон билан ЕХҲТ ўртасида тобора ривожланиб бораётган муносабатларнинг яна бир инъикоси, деб айтди.

- Ташкилотнинг Ўзбекистонга ва умуман Марказий Осиёга қизиқиши тобора ортиб бормоқда,- деди Ислом Каримов.- Бу фақатгина минтақанинг табиий заҳираларга бойлигидан эмас, албатта. Марказий Осиёда кўплаб давлатларнинг манфаатлари туташади. Шу маънода мазкур минтақада хавфсизлик ва барқарорликни сақлаш масаласи муҳим аҳамиятга моликдир.

Президент Ўзбекистон 1992 йилдан буён ЕХҲТнинг тенг ҳуқуқли аъзоси эканини, ушбу аъзолик талаб этган барча мажбуриятларни ўз зиммасига олганини ҳамда уларни бажаришини айтди.

ЕХҲТ раиси қабул учун Президентга миннатдорлик билдирди, айни вақтда ўзи раҳбарлик қилиб турган ташкилот билан Ўзбекистон ўртасидаги муносабатлар мустаҳкамланиб бораётганидан мамнуният изҳор этди.

Суҳбат чоғида Ўзбекистон билан ЕХҲТ ўртасидаги ҳамкорлик алоқаларини янада ривожлантириш, минтақавий хавфсизликни таъминлаш билан боғлиқ масалалар юзасидан фикр алмашилди.

Қабул маросимида Президентнинг Давлат маслаҳатчиси Умар Исмоилов, ташқи ишлар вазири Абдулазиз Комилов иштирок этди.

Қабул маросимида ЕХҲТнинг Марказий Осиё билан алоқалар бюроси раҳбари Ганчо Ганчев ҳамда Польшанинг мамлакатимиздаги Фавкулодда ва мухтор элчиси Богуслав Качински ҳозир бўлди.

/ЎзА/

Ўзбекистон Олий судининг пленуми

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Пленуми бўлди. Унда «Иқтисодиёт соҳасидаги жиноий ишлар бўйича суд амалиётида юзага келган айрим масалалар тўғрисида», «Судлар томонидан меҳнат шартномаси /контракти/ни бекор қилишни тартибга солувчи қонунларнинг қўлланиши ҳақида», «Суднинг ҳал қилув қарори ҳақида»ги қарорлар лойиҳаси ва бошқа масалалар муҳокама этилди.

Олий суд Раиси У.Мингбоев суд амалиётининг долзарб ва ўта муҳим йўналишларидан бири ҳисобланган иқтисодиёт соҳасидаги жиноий ва бошқа ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни судда кўриш масалалари ҳақида маъруза қилди.

Пленумда таъкидланганидек, мазкур масаланинг устуворлиги аввалambor мамлакатимизда кучли, барқарор, доимий юксалувчан иқтисодсиз мустақил демократик ҳуқуқий давлатни барпо этиш мумкин эмаслигида ифодаланади. Республикамиз бозорни изчил ислоҳ қилиш, жаҳон бозор иқтисодиётига кириб бориш йўлидан дадил бормоқда. Президентимиз мамлакатимиз келажаги, халқимизнинг равнақини кўп жиҳатдан айнан шу хил ислоҳотларгина таъминлаши мумкинлигини уқтириб келмоқда.

Аммо суд амалиётини ўрганиш шуни кўрсатмоқдаки, иқтисодиётда ҳамон талон-тарож қилувчиларнинг уюшган гуруҳлари, турли хил фирибгар ва рэкетчилар ўз фаолиятини давом эттирмоқда.

Солиқ тўловларини тўлашдан бўйин товлаш, ноқонуний кредитлар бериш, сохта тадбиркорлик, банк соҳасидаги молиявий ҳуқуқбузарликлар учрамоқда. Баъзи мансабдор шахсларнинг ўз ваколатларини суистеъмол қилишлари оқибатида давлат, жамият ва фуқароларнинг манфаатларига жиддий зиён етказилмоқда. Судлар ва ҳуқуқни муҳофаза этувчи идоралар ходимлари бундай ҳуқуқбузарликларга қарши қонунни тўла равишда қўллашлари зарур.

Пленум муҳокама этилган масалалар бўйича тегишли қарорлар қабул қилди.

Пленум Олий суд Раиси У.Мингбоев томонидан Ўзбекистон Республикасининг собиқ пахта тозалаш саноати вазири Усмонов Ваҳобжонга нисбатан жиноят иши юзасидан келтирилган протестни кўриб чиқди.

Собиқ СССР Олий Судининг 1986 йил 25 августдаги ҳукмига биноан В.Усмонов пора олганликда айбдор деб топилиб, ўлим жазосига маҳкум қилинган ва ҳукм тезликда ижро этилган. Жиноят иши ҳужжатларини ўрганиш шуни кўрсатдики, собиқ СССР Бош прокуратурасининг тергов гуруҳлари «пахта ишлари» бўйича айбдорларни топиш мажбурияти билан иш олиб борганлар. В.Усмоновга нисбатан ҳам дастлабки тергов ҳаракатлари Жиноят- процессуал қонуни талабларини жиддий бузган ҳолда юритилганлиги, унинг атрофдагилар ва яқин қариндошлари ҳибсга олиниб, ғайри қонуний усуллар билан улардан «иқрорлик кўрсатмалари» олишга эришилганлиги аниқланди. Пленум юқоридаги ҳолатларга кўра В.Усмоновга нисбатан ҳукмни унинг қилмишида жиноят таркиби бўлмаганлиги сабабли бекор қилди ва жиноят ишини ҳаракатдан ётқизди.

Пленумда республика Бош прокурори Б.Мустафоев, Адлия вазири С.Мирсафоев, Олий хўжалик суди раиси М.Абдусаломов, шунингдек, вилоятлар ва уларга тенглаштирилган судларнинг раислари, тегишли вазирлик ва идораларнинг масъул ходимлари қатнашди.

/ЎзА/

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ахбороти

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 1998 йил 21 апрелдан бошлаб ҳисоб ва божхона тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:*/

1 Австралия доллари	55,32
1 Австрия шиллинги	6,72
1Англия фунт стерлинги	143,93
10 Бельгия франки	22,93
1 Голландия гульдени	41,98
10 Греция драхмаси	2,73
1 Дания кронаси	12,39
1 БАА дирхами	23,28
1 АҚШ доллари	85,50
1 Миср фунти	25,03
1 Ирландия фунти	119,02
1 Исландия кронаси	1,19
10 Испания песети	5,57
100 Италия лираси	4,78
1 Канада доллари	59,85
1 Хитой юани	10,33
1 Қувайт динори	282,64
100 Ливан фунти	5,60
1 Малайзия ринггити	22,62
1 Германия маркаси	47,25
1 Норвегия кронаси	11,39
1 Польша злотийси	25,21
10 Португалия эскудоси	4,63
1 Сингапур доллари	3,35
1 СДР	115,28
1000 Туркия лираси	0,35
1 Финляндия маркаси	15,57
1 Франция франки	14,11
1 Швеция кронаси	11,01
1 Швейцария франки	7,02
1 ЭКЮ	93,71
10 Жанубий Корея вони	0,61
10 Япония иенаси	6,47
1 Россия рубли	13,95
1 Украина гривнаси	41,90
1000 Беларусь рубли	2,49
1 Латвия лати	144,43
1 Литва лити	21,38
1 Молдова лейи	18,12
1 Қирғизистон сомн	4,67

*/ Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.

Ўзбекистон ва жаҳон

МУШТАРАК МАҚСАДЛАР ЙЎЛИДАН

17-18 апрель кунлари Бельгия Қироллиги Бош вазири Жан-Люк Дехане Ўзбекистонда расмий ташрифда бўлди.

Европанинг қоқ марказида жойлашган Бельгияни рамзий маънода Ғарбнинг ўзига хос дарвозаси деб аташ мумкин. Ғарбда йирик тузилмалар саналмиш НАТО, Европа Иттифоқи ҳамда Европа Парламентининг бош қароргоҳлари Бельгия пойтахти Брюсселда жойлашган. Шу ўринда қайд этиш керакки, Ўзбекистон Республикасининг ана шу тузилмалар билан йўлга қўйилган ҳамкорлиги самарали ривожланмоқда. Маълумки, 1996 йилнинг июнь ойида Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов Бельгияга сафар қилган ва Брюсселда мамлакатимиз билан Европа Иттифоқи ўртасидаги Шериклик ва ҳамкорлик тўғрисидаги Битимни имзолаган эди. Уша санадан бошлаб Ўзбекистон билан Европа Иттифоқи таркибидаги Бельгия давлати ўртасидаги муносабатлар янги босқичга кўтарилди.

Бугунги кунда Ўзбекистон Европа ҳамжамияти билан алоқаларни тобора кенгайтириб бормоқда. Бу алоқалар равнақида Брюссель шаҳрида имзоланган Битим катта аҳамият касб этади. Шуни ҳам эътироф этиш керакки, Европада ҳал қилувчи овозга эга бўлган Бельгия билан Марказий Осиёда етакчи ўрин эгаллаб турган Ўзбекистон муносабатлари минтақавий ҳамкорликнинг асоси бўлиб хизмат қилмоқда. Бельгия ҳукумати Ўзбекистоннинг Марказий Осиё минтақасида тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш, минтақавий хавфсизлик борасидаги илғор ва жўяли ташаббусларни юқори баҳолайди. Шунинг учун ҳам Ўзбекистон билан ва биз орқали бутун Марказий Осиё давлатлари билан муносабатларни кенгайтиришга интилмоқда. Ўзбекистон ва Бельгия алоқалари Марказий Осиё ва Европа халқаро ташкилотлари ҳамкорлигининг равнақига омил бўлмоқда.

Европа бугун Ўзбекистонга ўзгача нигоҳ билан қарамоқда. Бу давлатимиздаги туб ислоҳатлар ва буюк ўзгаришларга катта қизиқиш ва хайрихоҳлик нигоҳидир. Шунингдек, икки давлат ўртасида ўзаро ишонч мавжуд. Булар Ўзбекистон ва Бельгиянинг нафақат сиёсий-ижтимоий, балки савдо-иқтисодий ҳамкорлигини ривожлантиришга омил бўлиши табиий. Шунингдек, Бельгияда жойлашган йирик банклар, халқаро молиявий муассасалар билан молиявий ҳамкорликни кучайтириш Ўзбекистоннинг жаҳон банк ва молия тизимига интеграциялашуви янада дадил амалга оширилишига кўмак беради. Бельгия Бош вазири Жан-Люк Деханенинг Ўзбекистонга ташрифи чоғида айнан шундай ҳамкорлик алоқаларини ривожлантириш юзасидан муҳим ҳужжатлар имзоланғани катта аҳамиятга эгадир.

Шуни айтиш керакки, Бельгия ҳукумати бошлиғининг юртимизга расмий ташрифи жуда самарали бўлди. Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов ҳамда Бельгия Қироллиги Бош вазири Жан-Люк Дехане учрашувларида ҳам, икки давлат расмий делегацияларининг кенгайтирилган таркибидаги музокараларида ҳам икки томонга бирдек фойдали бўлган масалалар кўриб чиқилди. Энг муҳими, ҳамкорликка доир кўпгина масалаларда ва халқаро ҳаётнинг долзарб муаммоларига ечим излашда Ўзбекистон ва Бельгия раҳбарларининг фикрлари бир ердан чиққанлиги муҳим аҳамиятга эга.

Ўзбекистон ва Бельгия давлатлари ўртасидаги музокараларда томонлар ҳамкорликнинг муҳим қирраларига доир ҳужжатларни имзоладилар. Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов ва Бельгия Бош вазири Жан-Люк Дехане томонидан расмий ташриф якунлари бўйича Қўшма Баёнот, Ўзбекистон Республикаси ҳукумати ва Бельгия-Люксембург иқтисодий иттифоқи ўртасида сармояларни ўзаро рағбатлантириш ва ҳимоя қилиш тўғрисида Битим ҳамда 1996 йил 14 ноябрида Ўзбекистон Республикаси ва Бельгия Қироллиги ўртасида имзоланган икки ёқлама солиқ солмаслик ва даромад ҳамда капитал солиқлари тўлашдан бош тортишга йўл қўймаслик тўғрисидаги Конвенцияга тузатишлар киритиш бўйича қўшимча Протокол имзоланди.

Расмий ташриф якунларига доир Қўшма баёнотда айтилишича, Ўзбекистон ва Бельгия ўртасидаги ҳамкорлик ва дўстлик алоқалари самарали ривожланмоқда. Ҳар икки томон 1996 йилнинг 13 ноябрида имзоланган Қўшма сиёсий Декларация тамойилларига содиқ эканликларини кўрсатмоқдалар. Томонлар минтақавий барқарорликни, ялпи хавфсизликни таъминлаш, минтақалараро ҳамкорликни мустаҳкамлаш йўлида бундан буён ҳам биргаликда ҳаракат қиладилар. Шунингдек, Қўшма баёнотда 1996 йилнинг 21 июнида Брюссель шаҳрида имзоланган Ўзбекистон Республикаси ва Европа Иттифоқи ўртасидаги Шериклик ва ҳамкорлик битимининг аҳамиятига алоҳида урғу берилади. Томонлар мазкур битимни имкон қадар қисқа муддатда ратификация қилишга келишиб олдилар.

Шуни ҳам айтиш керакки, Бельгия Бош вазирининг юртимизга ташрифи чоғида имзоланган ҳужжатлар Ўзбекистон ва Бельгиянинг савдо-иқтисодий муносабатларини янада ривожлантиришда катта аҳамиятга эгадир. Икки давлат расмий делегацияларининг музокараларида таъкидланганидек, бугунги кунда Бельгия билан Ўзбекистон ўртасидаги иқтисодий ҳамкорлик тобора ривожланиб, Бельгия томонидан Ўзбекистондаги ўрта ва кичик хусусий бизнесни ривожлантиришга қаратилган ёрдамлар тобора кучаймоқда. Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов музокаралар чоғида айтганидек:

— Кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш, хусусий мулкни шакллантириш биз учун нафақат устивор, балки эртанги кун мезонини белгилайдиган масаладир. Жаноб Дехане билан мулоқот чоғида Ўзбекистонда кичик ва ўрта тадбиркорликни ривожлантириш учун Европа Иттифоқи, Европа Тикланиш ва Тараққиёт банки, қолаверса, бошқа халқаро молиявий муассасалар бераётган ёрдам ҳақида сўз борди. Ҳозир бу ёрдам миқдори 400 миллион АҚШ доллари миқдорига тенг. Таъкидлаш керакки, биз учун кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш фақат иқтисодий эмас, балки сиёсий аҳамиятга эга. Шу маънода Ўзбекистонда амалга ошаётган ислоҳотларнинг янада ривожланиши учун жамиятда мулкдорлар синфи шаклланмоғи лозим. Кичик ва ўрта бизнес равнақи эса бунинг учун зарур асосни яратади.

Бельгия Бош вазири Жан-Люк Дехане ҳам бельгиялик ишбилармон ва тадбиркор доиралар Ўзбекистон иқтисодиётининг деярли барча тармоқларига катта қизиқиш билан қараётганлигини таъкидлади. Ўзбекистонда хорижий сармоялар ва ишбилармонлар учун яратилган кенг имконият ва катта имтиёзлар эса Бельгия тадбиркорларининг ўзбек бозорига тобора интилишига сабаб бўлмоқда. Жаноб Дехане Ўзбекистон ва Бельгия ишбилармонларининг ҳамкорлиги бундан буён ҳам ривожланишига умид билдирди. Бельгия томонидан Ўзбекистон иқтисодиёти равнақи учун кўрсатиладиган ёрдамлар янада кучайтирилиши қайд этди.

Ўзбекистон ва Бельгия ўртасидаги музокаралар икки давлатнинг ўзаро дўстлик ва ҳамкорлик йўлидан изчил одимлашияти қатъий эканлигини кўрсатди. Ҳар бир соҳада ўзаро манфаатдорлик ва тенг ҳуқуқлилик асосида алоқаларни ривожлантириб боришга аҳдлашиб олинди. Шунингдек, томонлар минтақавий барқарорликни мустаҳкамлаш, ялпи тинчликни таъминлаш ҳамда минтақалараро ҳамкорликни янада кучайтириш каби муштарак мақсадлар йўлида ҳамиша биргаликда фаолият кўрсатишниятини билдирдилар. Бундай хайрли мақсадларни кўзлаган ҳар икки давлатнинг тараққиёт йўлидан илдам бораётганига шак-шубҳа йўқдир.

Хайрулло НУРИДДИНОВ, шарҳловчи.

Ўзбекистонда Қирғизистон маданияти кунлари якунланди

ЎЗБЕКИСТОННИ НУР ҚУЧМОҚДА

Куни кеча якунланган Қирғизистон маданияти кунлари халқимиз қалбида унутилмас из қолдирди. Қардош дўстларимиз юртларига қайтдилар. Биз Қирғизистон эл артисти, Токтоболот Абдумамунов номли қирғиз академик драма театри актёри Душанбек Бойтобетов билан суҳбатлашдик.

- Ўзбекистонда Қирғизистон маданият кунларининг ўтказилиши қандай аҳамиятга эга?

- Бу тадбир аввало азал-азалдан қон-қардош бўлиб келган халқларимиз ўртасидаги дўстликни мустаҳкамлайди. Қолаверса, иккала миллат учун ҳам маданиятнинг барча қирраларини чархлаш деб биламан. Бундай тажриба алмашиш Марказий Осиё халқлари умумий маданиятининг ривожига салмоқли ҳисса бўлиб қўшилади деган умиддаман.

- Илгари ҳам Ўзбекистонда бўлган бирор тадбирда қатнашганмисиз?

- Ҳа, албатта, бу ерда бўлиб ўтган кинофестивалда ва яна 1-2 та санъат йиғинларида иштирок этганман. Ҳар келганимда янги-янги таассурот ва малакага эга бўлиб қайтаман. Ўзбекистонга келганимда ҳеч қачон ўзимни бегонадек ҳис этмаганман.

- Аввал ҳам юртимизга келган экансиз, айтингчи, 5-6 йил ичида Ўзбекистонда бўлган ўзгаришлар ҳақида нима дея оласиз?

- Тан олиб айтиш керакки, Ўзбекистон ҳавас қиларли даражада дадиллик билан юксакликка кўтарилиб боряпти. Ҳар қадамда янгиликка дуч келаяпман. Биргина Тошкент шаҳрининг ташқи кўриниши қанчалар гўзаллашиб кетганини айтмайсизми. Одамларнинг дунёқараши ва кайфияти ҳам кўтаринки руҳда. Буларнинг бари истиқлолнинг меваси, албатта. Хуллас, мен Ўзбекистонни нур ичида кўраётганимдан жуда-жуда хурсандман.

Республикамизда Қирғизистон маданияти кунлари 19 апрелга қадар давом этди. Бу маданий маърифий анжуман икки халқ ўртасидаги ҳамкорликнинг унутилмас намунаси бўлиб қолишига ишонамиз.

ЕТТИ ИҚЛИМ ВАФАСИ

Жанубий-Шарқий Осиё мамлакатлари бўйлаб сафар қилаётган Америка Қўшма Штатларининг Бирлашган Миллатлар Ташкилотидаги вакили Билл Ричардсон Афғонистонга қилган ташрифини якунлади. Афғонистондан жўнаб кетиш олдидан Билл Ричардсон баёнот бериб, агар афғон уруши зудлик билан тўхтатилса, Америка Қўшма Штатлари бу мамлакатнинг иқтисодий тикланиши учун катта ёрдам кўрсатишини маълум қилди.

* * *

Ингушетияда чечен жангарилари томонидан гаровга олинган ҳарбий хизматчиларни озод қилишга қаратилган хатти-ҳаракатлар амалга оширилмоқда. Маълумотларга қараганда, жангарилар Россия чегара қўшинларига қарашли ҳарбий хизматчиларни Чеченистон томонга олиб кетишган.

* * *

Австриянинг Иннсбург шаҳридаги клиникада даволанаётган Чехия Президенти Вацлав Гавелнинг саломатлиги тўсатдан ёмонлашган. Вацлав Гавел ўтган ҳафтада ичак хасталиги хуружи туфайли тезликда операция қилинган эди. Шифокорларнинг сўзига қараганда, Чехия президентининг нафас олиши оғирлашган.

* * *

Япониянинг Кавана шаҳрида Россия Президенти Борис Ельцин ва Япония Бош вазири Рютаро Хасимотонинг норасмий учрашувлари бўлиб ўтди. Унда икки давлатнинг ўзаро тинчлик масалалари ҳамда Сахалин ороли атрофидаги муаммолар муҳокама этилди.

* * *

Чили пойтахти Сантьяго шаҳрида Шимолий ва Жанубий Америка давлатлари раҳбарларининг учрашуви ниҳоясига етди. Унда ҳар икки Америка қитъасининг 34 давлати раҳбарлари иштирок этдилар. Анжуманда Ғарбий ярим шарнинг фақат бир давлати — Куба Республикаси Президенти иштирок этмади, холос.

* * *

Австрияда президент сайловлари бўлиб ўтди. Мамлакат раҳбари лавозими учун беш номзод кураш олиб борди. Кузатувчиларнинг фикрича, сайловда ғолиб чиқиш учун Австриянинг ҳозирги Президенти Томас Клестельнинг имкониятлари бошқаларникига қарағанда кўпроқ. Австрия халқи ҳам уни яна қайтадан президент этиб сайлашга мойил.

* * *

Болтиқ денгизида Латвия ва Дания давлатлари ҳарбий-денгиз кучларининг қўшма ҳарбий машқлари бошланди. Ҳарбий машқларга Латвия ва Дания қуролли кучларига қарашли юзга яқин ҳарбий кемалар ва бомбардимончи самолетлар қатнашмоқда.

Жаҳон ахборот агентликлари хабарлари асосида

Янгийўл тумани пахтакорлари жорий йилда катта марраларни кўзлашган. Тумандаги «Тинчлик» жамоа хўжалиги аъзолари биринчилардан бўлиб чигит экишни тугаллашди.

Суратда: илғор механизатор Ш.Азаматов.

Р.Галиев олган сурат.

Республика биржаларида

Тошкент республика қимматли қоғозлар биржасида бўлиб ўтган оддий акциялар савдосида 14 та ҳиссадор жамиятлар яхши қатнашди. Улар ўзларининг 23,4 мингта акцияларини 64 миллион сўмга сотдилар. Савдо жараёнида Тошкент вилояти «Роҳат» ҳиссадор жамияти юқори самарадорликка эришди. Шу жамият 15,6 мингта акцияларини сотиб, 51,2миллион сўмлик маблағга эга бўлдилар. Шуни қўшимча қилиш керакки, 25 та брокерлик идоралари яхши фаолият кўрсатдилар. Акциялар сотилишида биринчи ўринни Тошкент вилоят бўлими, иккинчи ўринни Тошкент шаҳар бўлими, учинчи ўринни Фарғона вилояти бўлими эгалладилар.

* * *

Республика кўп тармоқли деҳқончилик саноати биржасида бўлиб ўтган савдоларга 1,8 миллиард сўм ва 4,8 миллион доллар ҳажмида қишлоқ хўжалик маҳсулотлари, жиҳозлари, технологиялари, ҳар хил турдаги автошиналари ва заҳира қисмлари қўйилди. Савдо жараёнида 76,4 миллион сўмлик 16 та битимлар имзоланди. Қувонарли жойи шундаки 16 та битимнинг 12 таси хорижий ҳамкорлар билан тузилишидир. Энг катта битим «Прима» пахтасининг 700 тонна сотилиши бўлди. Унинг бир тоннаси 75000 сўмдан баҳоланди. Фарғона бўлимида ҳам 13,2 миллион сўмлик маҳсулотлар сотилди. Умуман биржа савдолари қизиқарли ўтмоқда.

* * *

Республика кўчмас мулк биржасида бўлиб ўтган ким ошди ва танловларда 97,4 миллион сўмлик 184 та битимлар тузилди. Шу жумладан 3,3 миллион сўмлик 54 та шахсий уй-жой қурилиш ерлари, 6,8 миллион сўмлик 82 та автотранспорт воситалари, 5 та савдо, 7 та қурилиши тугалланмаган иншоотлар сотилди. Давлатга қарашли бўлмаган сектор бўйича янги мулкдорлар қўлига ўтган иншоотлар - савдони 40,2 фоизини ташкил қилди. Тошкент вилоят бўлимида ҳам 8,4 миллион сўмлик иншоотлар ўз эгаларини топди. Ким ошди савдосида биржа ва унинг бўлимларида сотилиш нархи бошланғич нархига нисбатан 1,45 мартага ошди. Биржа савдолари кундан-кунга самарали бўлиб бормоқда.

Ногиронларга мадад бериш бўйича Давлат дастури

Мададга муҳтожларга ёрдам бериш—асосий вазифа

Жамиятдаги меҳр-шафқат даражаси унинг маънавий тараққиёти даражасига бевосита боғлиқ. Бу азалий ҳақиқат ҳозир ҳам ўз тасдиғини топмоқда. Ўзбекистон - инсон тўғрисида, Вазирлар Маҳкамаси қабул қилган 2000 йилгача Ногиронларга мадад бериш бўйича Давлат дастури бунга яққол мисол бўла олади. ЎзА мухбири Ўзбекистон Ижтимоий таъминот вазири БАҲОДИР УМУРЗОҚОВдан бу дастур қандай амалга оширилаётгани тўғрисида сўзлаб беришни илтимос қилди.

Меҳр-шафқат азалдан ўзбек халқининг ажойиб фазилатларидан биридир. Ўзбекистон мустақилликка эришган дастлабки кунлариданоқ Президентимиз Ислом Каримов олиб бораётган сиёсат аҳолини ижтимоий муҳофаза қилишнинг кучли тизимини барпо этишга қаратилган. Кези келганда шуни айтиб ўтиш лозимки, ҳозирги пайтда бюджет маблағларининг деярли ярми ижтимоий соҳани ривожлантиришга сарфланмоқда.

Тақдир тақозоси билан ногирон бўлиб қолган кишилар тўғрисида ғамхўрлик қилиш мазкур муҳофаза тизимининг таркибий қисмидир. Ногиронларга мадад бериш бўйича Давлат дастурининг бажарилишини бизнинг вазирлигимиз назорат қилиб боради. Лекин бу Дастурни амалга оширишда барча давлат тузилмалари, шу жумладан маҳаллий ҳокимият органлари иштирок этади.

- Давлат дастурида мамлакатимизда ногиронлар учун уларнинг саломатлигини тиклаш ва оёққа қўйиш марказларининг кенг тармоғини ташкил этиш кўзда тутилган. Бу борада иш қандай бормоқда?

- Вилоятларда ҳозирнинг ўзидаёқ бир қанча ногиронларнинг саломатлигини тиклаш марказлари ишлаб турибди. Уларни соғлиқни сақлаш вазирлиги поликлиникалар негизида ташкил этган. Бу марказлар зарур асбоб-ускуналар билан жиҳозланган бўлиб, касалликларга ташҳис қўйиш ва ногиронларни қисман даволаш билан шуғулланмоқда. Кейинчалик бундай тузилмалар республикамизнинг барча шаҳар ва туманларида ташкил этилади.

Қорақалпоғистонда, Жиззах, Навоий, Сирдарё, Фарғона, Хоразм ва Тошкент вилоятларида очилган ижтимоий жиҳатдан оёққа қўйиш марказлари бизнинг вазирлигимиз қарамоғидадир. Бу марказларда ногиронлар зарур тиббий ёрдам олиш билан бирга, жисмоний имкониятларига қараб, касб ўрганишлари ҳам мумкин. Улар шу ернинг ўзида махсус жиҳозланган ишлаб чиқариш хоналарида меҳнат қилади. Бирорта ногирон ҳам эътибордан четда қолмаслиги учун бундай марказлар шохобчаларини кенгайтирамиз. Бундан ташқари, корхона ва муассасаларнинг ногиронларни иш билан таъминлашдан иқтисодий манфаатдорлиги механизми ишлаб чиқилган. Масалан, ходимларининг ярмидан кўпини ногиронлар ташкил этадиган, шунингдек, аҳолининг бу тоифалари учун маҳсулот ишлаб чиқарадиган ташкилот ва корхоналар солиқ соҳасида турли имтиёзлардан фойдаланади.

- Жамиятимиз ногирон болаларга алоҳида эътибор беради. Шу боис, болалар тўғрисида, жамиятнинг тўлақонли аъзоси бўлиб етишувида уларга ёрдам бериш ҳақида алоҳида ғамхўрлик қилинмоқда. Бу - уларнинг саломатлиги ложи борича тикланади, уларга маълумот берилади, касб ўргатилади, деган гап...

- Давлат дастури доирасида кўриш, эшитиш қобилияти бузилган, қўл-оёғи яхши ишламайдиган болаларни соғломлаштиришнинг комплекс тизими ишлаб чиқилган. Бундай тизимни барпо этишдан мақсад - ҳар бир бола тўғрисида унинг туғилган пайтидан бошлаб то камолга етгунига қадар ғамхўрлик қилинадиган узлуксиз ёрдам тизимини ташкил қилишдир. Бу тизимга ихтисослашган мактабгача тарбия муассасалари, ўқув юртлари ва касб ўргатиш марказлари киради.

Ногирон ўсмирларга касб ўргатиш дастури амалга оширилмоқда. Унда юриши қийин бўлган ногиронларни уйида ўқитишга қадар тадбирлар пухта ўйланган. Халқ таълими вазирлиги Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан биргаликда кўзи ожизлар учун бармоқ билан сийпалаб ўқиладиган махсус дарсликлар ва бошқа адабиётларни нашр этишни йўлга қўйди. Тошкент, Фарғона ва Навоийда фалаж касаллиги ва полиомиелит каби жиддий хасталиклар оқибатларидан азоб чекаётган болалар учун соғломлаштириш - ҳаётга тайёрлаш марказлари очиш тўғрисида қарор ҳам қабул қилинган. Фарғона ва Навоийда ана шундай марказлар учун бинолар ажратилди, улар махсус техника билан жиҳозланмоқда.

- Ногиронларни протезлар, аравачалар ва бошқа махсус техник мосламалар билан таъминлаш муаммоси қандай ҳал қилинмоқда?

- Вазирлигимиз қошида ана шундай махсулотларнинг моделини тайёрлаш ва ишлаб чиқариш билан кўп йиллардан буён шуғулланаётган «Ортопедия» акциядорлик жамияти ишлаб турибди. Бу - МДҲдаги энг йирик корхоналардан биридир. Ҳозирги вақтда мамлакатимизнинг барча минтақаларида шу турдаги 17 корхона ишламоқда. Уларда ногиронлар бепул даволанади. Уларга протез ҳам тегишли шароит яратиш мақсадида Тошкентнинг Шимолий ва Жанубий вокзалларида қайта қуриш ишлари бошланди. Шу жумладан, ногиронлар аравачалари ҳаракат қиладиган йўлаклар, билет кассалари барпо этилади. Автомобил вокзалларида ҳам шундай ишлар амалга оширилмоқда.

Давлат дастурининг бажарилишини назорат қиладиган республика ишчи гуруҳининг навбатдаги мажлисини мамлакатимиз ҳаво портлари ходимлари ногиронлар эҳтиежлари тўғрисида қандай ғамхўрлик қидаётганини текшириш учун «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси корхоналаридан бирида ўтказишни мўлжаллаб қўйдик.

- Баҳодир Ҳамидович, бу гапларингиз - ногиронларнинг ижтимоий муҳофазаси хусусида. Ҳозирги вақтда ногиронликнинг асосий сабабларидан бирига айланган жароҳатланишнинг олдини олиш борасидаги ишлар қандай аҳволда?

- Давлат дастурида бу масалалар ҳам ҳисобга олинган. Чунки, бирон-бир ҳодисанинг оқибатларига қарши курашдан кўра, унинг олдини олиш осонроқ. Шу боис Меҳнат вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси Кенгаши республика корхоналари, жамоа ва давлат хўжаликлари, ташкилотларда ходимларнинг меҳнат шароитини яхшилаш ва уларни соғломлаштирш учун санитария-гигиена тадбирлари комплексини ишлаб чиқариш маҳмуалари қуриш лойиҳалари тайёрланди.

Ички ишлар вазирлиги ишторикида махсус товуш сигналли мосламалар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Бу мосламалар кўзи ожизларнинг йўлда юришини, айниқса чорраҳалардан ўтишини осонлаштиради.

Шафелигимиздаги кўзи ожизларнинг ярми шундай мосламалар билан таъминланди. «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик компанияси бу муаммоларга катта эътибор бераётганини кўриб турибмиз. Чунончи, барча темир йўл бекатларида ногиронлар аравачалари мавжуд.

Ногиронларнинг ҳаракати кенгга ясаб берилади. Ўз ишланмаларимиз асосида, шунингдек, хорижий илғор технологиялар асосида 600 хилдан ортиқ буюм тайёрланмоқда. Хорижий тажрибаларни ҳисобга олган ҳолда маҳсулот ишлаб чиқарувчи қўшма корхоналар ҳам ташкил этилган. Айтиш мумкинки, мамлакатимизда ногиронларни протезлар ва мосламаларнинг барча турлари билан текинга таъминлаш йўлга қўйилган. Бу йўналишдаги ишлар бундан буён ҳам давом эттирилади.

Бундан ташқари, ногиронларни ҳаётга тайёрлаш муаммолари билан боғлиқ илмий тадқиқот ишлари ҳам олиб борилмоқда. Бу ишни ўтган йили Тошкентда ташкил этилган Ногиронларни ҳаётга тайёрлаш миллий маркази мувофиқлаштиради. Ногиронлик сабабларини ўрганиш ҳам марказ мутахассислари вазифасига киради.

Кўриниб турибдики, ногиронларни ижтимоий муҳофаза қилиш тизими шохобчалари жуда кенг бўлиб, улар жамият ҳаётига мослашишда ногиронларга мумкин қадар кўпроқ ёрдам беришга қаратилган. Ногиронлар ҳаракати, уларнинг жамоат транспортидан фойдаланиши ва шу каби масалалар ҳам ҳал этилмоқда. Мисол учун, ногиронларнинг биноларда ва иншоотларда бўлишини енгиллаштириш мақсадида уларни лойиҳалаш, қуриш ва қайта қуриш бўйича меъёрий ҳужжатлар қайта кўриб чиқилди. Ногиронларга протез ҳам тегишли шароит яратиш мақсадида Тошкентнинг Шимолий ва Жанубий вокзалларида қайта қуриш ишлари бошланди. Шу жумладан, ногиронлар аравачалари ҳаракат қиладиган йўлаклар, билет кассалари барпо этилади. Автомобил вокзалларида ҳам шундай ишлар амалга оширилмоқда.

Давлат дастурининг бажарилишини назорат қиладиган республика ишчи гуруҳининг навбатдаги мажлисини мамлакатимиз ҳаво портлари ходимлари ногиронлар эҳтиежлари тўғрисида қандай ғамхўрлик қидаётганини текшириш учун «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси корхоналаридан бирида ўтказишни мўлжаллаб қўйдик.

- Баҳодир Ҳамидович, бу гапларингиз - ногиронларнинг ижтимоий муҳофазаси хусусида. Ҳозирги вақтда ногиронликнинг асосий сабабларидан бирига айланган жароҳатланишнинг олдини олиш борасидаги ишлар қандай аҳволда?

- Давлат дастурида бу масалалар ҳам ҳисобга олинган. Чунки, бирон-бир ҳодисанинг оқибатларига қарши курашдан кўра, унинг олдини олиш осонроқ. Шу боис Меҳнат вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси Кенгаши республика корхоналари, жамоа ва давлат хўжаликлари, ташкилотларда ходимларнинг меҳнат шароитини яхшилаш ва уларни соғломлаштирш учун санитария-гигиена тадбирлари комплексини ишлаб чиқариш маҳмуалари қуриш лойиҳалари тайёрланди. Иш жойларини паспортлаштириш бошланди. Яъни, иш жойларида меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича барча қоидаларга қанчалик риоя қилинаётгани ҳам ҳисобга олинади. Хотин-қизларни оғир меҳнат шароитида ишлатиш, уларнинг тунги сменаларда ишлаши иложи борича камайтирилди. Йўл-транспорт ҳодисаларида шикастланишнинг олдини олиш чора-тадбирларининг бажарилиши қаттиқ назорат остига олинди. Бироқ, шуни ҳам айтишимиз лозимки, ҳар бир инсон ўз саломатлигини сақлаш тўғрисида аввало ўзи қайғуриши, ишлаб чиқаришда ҳам, турмушда ҳам, кўча-кўйларда ҳам эҳтиёткор бўлиши лозим.

- Ногиронларга мадад бериш бўйича Давлат дастури ҳақиқатан ҳам кенг кўламли. Бироқ, уни амалга ошириш учун кўп маблағ талаб қилинади. Бу маблағ манбалари қандай?

- Маблағнинг асосий манбаи - давлат бюджети, албатта. Вазирлигимизга қарашли хўжалик ҳисобидаги ташкилотлар ҳам бу ишга ўз ҳиссасини қўшади. Бундан ташқари, Ўзбекистон мустақилликка эришгач, хорижий алоқаларни анча кенгайтириш имкониятига эга бўлдик. Масалан, яқинда Брюсселда Ўзбекистон Ижтимоий таъминот вазирлиги билан Халқаро ёрдам жамғармаси ўртасида ўзаро ҳамкорлик тўғрисидаги битим имзоланди. Бу битимга мувофиқ, ижтимоий таъминот лойиҳаларини, шунингдек, бу соҳадаги илмий тадқиқот, амалий, таълим ва маданий дастурлар лойиҳаларини амалга ошириш учун ҳамкорларни излашда Жамғарма Ўзбекистонга ёрдам беради.

Бундан ташқари, мурувват ёрдами йўли билан турли халқаро ташкилотлардан ногиронлар аравачалари, бошқа зарур мосламалар, дори-дармонлар, тиббий асбоблар келмоқда. Бу мададлари учун хорижий ҳамкорларимиздан миннатдормиз. Лекин яна бир бор таъкидламоқчиман: ногиронлик юкини кўтариб юришга мажбур бўлган кишиларни ижтимоий муҳофаза қилиш ва уларни турмушга мослаштириш Ўзбекистон раҳбарияти сиёсатининг устувор йўналишларига киради ва мамлакатимизда амалга оширилаётган фуқароларни ижтимоий муҳофаза қилишга доир кенг кўламли чора-тадбирларнинг ажралмас қисми ҳисобланади.

ЎзА мухбири Анна ИВАНОВА суҳбатлашди.

Касаба уюшма ҳаёти таҳлили

АНИҚ САВОЛГА ЮЗАКИ ЖАВОБ

«Косон» жамоа-ширкат хўжалиги Косон туманидаги йирик жамоалардан ҳисобланади. Касаба уюшма қўмитаси ўз атрофига 847 нафар аъзони бирлаштирган. Касабақўм раиси Шоди Боймуродов 5 йилдан буён хўжалик касаба уюшма қўмитаси раиси вазифасида фаолият кўрсатмоқда.

Шоди Боймуродовни ўз хонасида учратдик. Дастлаб хўжалик маъмурияти билан касаба уюшма қўмитаси ўртасидаги меҳнат шартномасининг бажарилиши билан қизиқдик.

- Бизда меҳнат шартномаси икки йилга мўлжаллаб тузилган,-дея сўз бошлади Шоди Боймуродов. - Шартномани кўрсатишим мумкин. Бироқ, бажарилиши ҳақида бирор нарса деяолмайман.

- Ўтган йилнинг биринчи ярмида меҳнат шартномасининг бажарилиши кўрилмаганмиди?

- Кўрилмаган. Чунки, биз шу йилдан бошлаб меҳнат шартномасининг бажарилишини йилда бир марта муҳокама қиламиз, деб келишиб олганмиз.

- Ҳамма хўжаликларда, туманда, ҳатто касаба уюшмалари вилоят кенгашида ҳар олти ойда шартномаларнинг бажарилиши муҳокама қилиб борилади-ку. Бироқ сизда йилига бир марта. Бу тажрибами ёки бирор жойдан йилига бир марта муҳокама қилинса бўлаверади деган кўрсатма берилганми?

- Кўрсатмаку йўқ. Ўзимиз шу йўлни танладик. Буни туман касаба уюшма раҳбарлари ҳам яхши билишади.

Хуллас, Шоди Боймуродовдан ўзимизни қизиқтирган дастлабки саволга аниқ жавоб ололмадик. Сўнг иш фаолияти билан танишдик.

- Хўжалик касаба уюшма қўмитасининг иш режаси борми?- сўраймиз ундан.

- Бор. Кўрсатайми? Булутргисинимни ё шу йилгисини?

- Майли, иккаласини ҳам.

У қўлимизга 1997 йилги ва 1998 йил учун тузилган иш режасини берди. Режа ҳужжатларида қўриладиган масалалар бирбиридан фарқ қилмайди. Фақатгина иккиучта сўз ўзгартирилган, холос.

- Иш режаларидаги масалалар бирбирига ўхшаб қолгунку? Наҳотки, режа обдон ўйлаб, шароитдан, вазиятдан келиб чиқиб тузилмаса? Буни қандай изоҳлайсиз?

- Фикрингиз тўғри, ўзгартирамиз.

- Касаба уюшма қўмитаси томонидан чиқарилган қарорлар билан танишсак бўладими?

- Бўлади. Марҳамат,-дея раис семиз папкани узатди. Унда 1994 йилдан буёнги қарорлар мавжуд экан. Қизиғи шундаки, қарорлар аралаш-қуралаш. Аниқ рақам билан тартибга келтирилмаган. Қарорлар баёнининг деярли ҳаммаси бир хил ёзилган.

- Меҳнаткашлардан тушган аризаларни қайд қилиш дафтари борми?

- Бор.

- Дафтарни варақлаймиз. Энг сўнгги ариза 1995 йил 8 ноябрда тушган. Қаранки, орадан икки йил ўтаяптики, касаба уюшма аъзоларидан бирор киши ариза билан қўмита раисига мурожаат қилмаган. Буни қандай изоҳлаш мумкин?

- Ариза тушган. Лекин оғзаки ҳал қилганмиз. Фақатгина дафтарга ёзганимиз йўқ. Аниқ айтадиган бўлсам уюшма аъзоларидан 18 киши ариза берган. Уларнинг аризалари ижобий ҳал қилинган. Қарор чиқариб, ҳисобчимиз Ҳаким Субҳоновга бир нусхасини бериб қўйганмиз ҳам. Кўрсатишим мумкин эди, афсуски ҳисобчимиз касал.

Биз юқори ташкилотлардан келган қарор ва кўрсатмалар, ҳужжатлар ва уларнинг ижроси билан қизиқдик. Минг афсуски, касабақўм раиси бу ҳақда лом-лим дея олмади.

- Шоди ака касаба уюшма аъзоларига янги нусхадаги билетлар тарқатилмоқда. Ҳозиргача нечта аъзога ана шундай янги билетлар топширилди?

- Фикрингиз тўғри. Бизнинг хўжаликка ҳам 200 дона янги билет ажратилган. Лекин ҳали бирор кишига берганимиз йўқ.

- Нега?

- Аниқ айтадиган бўлсам, билет икки тилда ёзилиши керак экан. Ушани ёзадиган кишини топаолмаяпман.

Шу ҳам баҳона бўлдими. Кўп йиллик тажрибага эгасиз. Бу муҳим тадбирнинг масъулиятини сезасизми?

- ?!...

Биз хўжалик касаба уюшма қўмитасининг фаолиятидан қувонмадик. Аввало кўп йиллик тажрибага эга бўлган касабақўм раиси ҳужжат юритишга эътиборсиз қараган. Ҳужжатлар алоҳида-алоҳида папкаларга тартиб билан қўйилмаган. Ҳатто, касаба уюшма аъзоларининг рўйхати тўлиқ эмас. Юқори ташкилотлардан келган хат ва қарорлар учун алоҳида папка қилинмаган. Касабақўм раиси хонасида бирорта ҳам матбуот нашрини учратмайсиз.

Ўйлаймизки, деҳқончилик-саноати ходимлари касаба уюшмаси вилоят ва туман қўмиталари танқидимизни тўғри тушуниб, мазкур хўжалик касаба уюшма қўмитаси фаолиятини яхшилаш юзасидан тегишли чора-тадбирлар белгилайдилар.

А. САМАРИДДИНОВ, «Ишонч» мухбири.

ЗАРДУШТИЙНИНГ ЧАП ВА ЎНГ ҚЎЛИ

Кўп йиллар давомида Ғарб давлатлари ва олимларининг ғоя ва тажрибаси фақат танқидий назардангина ўрганилди ва марксча-ленинча таълимот устунлигини исботлашга уринишди. Шарқ, хусусан, Марказий Осиё ва Ўзбекистон тажрибаси камситилди, улар деярли ўқитилмади, тадқиқ этилмади. Аммо кейинги тадқиқотлар шуни кўрсатмоқдаки, бозор муносабатлари шу соҳадаги дастлабки ғоя, фикр, қарашлар Шарқда азалда шаклланган ва Европа, Америка учун муҳим туртки бўлган. Масалан, буюк қомусий олим Ибн Синонинг «Тиб қонунлари» асари лотин тилида 21 марта қайта нашр этилган ва дарслик сифатида қўлланилган. Демак, авлод-аждодларимиз томонидан яратилган буюк илмий мерос жаҳон цивилизациясига муҳим ҳисса бўлиб қўшилган.

Тошкент Давлат иқтисодиёт университетида минтақада ягона «Иқтисодий тарих» кафедраси бўлиб, унинг қошида «Иқтисодий мерос ва жаҳон тажрибаси» лабораторияси иш олиб бормоқда. Авесто, Қуръони Карим, «Қутадғу билик» ва бошқа кўплигина китоблар, Фаробий, Беруний, Ибн Сино, Фарғоний, Амир Темур, Улуғбек, Алишер Навоий, Бобур ва бошқа кўплаб олим ҳамда мутафаккирларнинг асарлари, ғоялари ўз тадқиқотчиларини кутиб ётибди. Бу асарларда муҳим иқтисодий ғоялар ҳам мавжудки, уларни ўрганиш, умумлаштиришнинг назарий-амалий аҳамияти бор.

Мана шу ва бошқа фикрлар асосида жонажон мамлакатимиз ҳудудида вужудга келган иқтисодий ғоялар тўғрисида туркум материаллар бериб боришни маъқул кўрдик. Биринчи мақола халқларимиз ҳаётида ўз даврида муҳим ўринни эгаллаган зардуштийлик динининг (исломгача) муқаддас китоби «Авесто»даги иқтисодий ғоя хусусида бўлади.

Бу китоб милоддан аввалги II минг йиллик охири I минг йиллик бошларидаги воқеаларни акс эттиради ва жуда қадимий ёдгорликдир. Бизгача унинг фақат бир қисми сақланиб, таржима қилинди.

Китобда табиий муҳитнинг инсон хўжалик фаолиятига таъстири алоҳида кўрсатилади, у билан чамбарчас боғлиқ ҳолда берилади. Сунъий суғориш асосида деҳқончилик юритиш, она табиатни эъзозлаш, ҳайвонларни асраш, ноўрин сўймаслик, унга зуғум қилмаслик, тупроқни яхшилаш, ботқоқларни қуритиш масалалари ёритилган. Ҳайвонот дунёсини асраш, унинг сонини ошириш, зотини яхшилаш (айниқса семиритириш) зарурий қарор, ем-хашак билан таъминлаш энг яхши фаолият деб баҳоланади. Яхши ишларни амалга ошириш кучли ҳокимият билан бўлиш қайд этилади. Китобда ёзилишича,

Иқтисодий мерос сарчашмалари

ҳайвонларни ўғирлаш ёки зўрлик билан тортиб олиш, турар жойларни хонавайрон қилишдан асрашга интилиш яхшилик ғалабасига олиб келади. Ана шу қоидаларга амал қилганларга яйловлар бўйлаб эркин ҳаракат қилишга ваъда берилади, чунки табиий яйловлар чекланган шароитда бундай «эркин ҳаракат» таъминоти муҳимдир, акс ҳолда ўзаро тўқнашув ва урушлар рўй берган.

Маълум қонун-қоидаларга бўйсуниш кучли ҳокимият ва мўътадиллик билан боғлиқ эди. Ўзаро шартномаларга бекаму-кўст амал қилиш зарурлиги, айниқса ўзаро моддий ёрдам бериш кераклиги таргиб этилади. Зардуштийликдаги энг муҳим фикр шуки, моддий бойликларни кўпайтириш ёруғ дунёдаги яхши ишларнинг сараси деб ҳисобланади.

Турли табиий офатларга қарши эҳтиёт чоралари барпо қилиш қўллаб-қувватланади. Чорвачилик зарурий соҳа сифатида қадрланади, чорвадорлар ҳамкори Йим тўғрисидаги афсонада «олтин аср»даги мол-қўйларнинг мўл-кўллиги ҳақида сўз борган Йимнинг хизмати улуғланиб, кучли совуқ, қор ва сув тўфонидан ҳайвонлар ва одамларни қутқариш учун «вару» (қўрғон) қурдириб, унга сув ўтказади, майда ва йирик моллар, одамлар, ит, қуш, барча ўсимликлар уруғи ва ёниб порлаб турган оловни келтиради.

Китобнинг 3-боби «Вендидат» деб номланади ва унда деҳқон меҳнати улуғланади, деҳқончилик зарурлиги кўрсатилади, сувсиз жойларни суғориш, суви ортиқча ерларда қуритиш (суғориш билан бирга зах қочириш) ишлари мақталади, ҳатто ерларга гўнг солиниши, бунинг учун эса кўпроқ кичик ва катта қорамоллар боқиш тавсия этилади.

Бу тавсияларда ҳозирги даврга ҳам мос келадиган жуда катта табиий мантиқ борлиги аниқ кўриниб турибди, чунки кўп ерларда гумус камайган. «Деҳқончиликсиз мўл-кўлчилик йўқ», деган ақида илгари сурилади, бу XII-XYIII асрдаги физиократизм ғоясининг ўзидир. «Агар одамлар чап ва ўнг қўллари билан ерга ишлов берсалар, унга (яъни ерга) фойда келтирадилар» дейилган, бунда ерни тобора маданийлаштириш ва ундан кўпроқ наф олиш ҳақида гап боради. Хўжаликнинг барча тармоқлари орасида ғаллачиликка энг юксак баҳо берилади. Қашшоқликни йўқотиш ёки унга йўлиқмаслик учун зироатчиликни ривожлантириш, янги ерларни очиш бўйича фаол сиёсат олиб бориш керак деб уқтирилади. Аммо инсон ерни ташласа, унга қарамай қўйса, ундай одам ўзгалар эшиги олдида турган доимий гадойга айланади» деган нақл ҳам бор. Эътибор берилса, эрамиздан аввалги даврларда илгари сурилган мазкур ғоялар бугунги кунимизга ҳам жуда мос келади.

Аскетизм тўғридан-тўғри қораланади, чунки бу одат ёмонлик билан курашда инсоннинг куч-қудратини сусайтиради. Овқатни кам истеъмол қилган одам на дин, на хўжалик ишлари, на фарзанд (айниқса ўғил болалар) кўпайтириш фаолияти билан керакли даражада шуғулланолмайди, инсонлар сонини кўпайтириш ҳам муҳим вазифа деб белгиланади, чунки фарзандлар оила бойлигини кўпайтиради, яхшилик ғалабасига кўмаклашадилар. Бу ғояларнинг аҳамияти ҳозирги кунда ҳам жуда муҳимдир.

Абдухалил РАЗЗОҚОВ, Тошкент Давлат иқтисодиёт университети кафедра мудири, профессор.

Ногиронларга мадад бериш бўйича Давлат дастури

ЧЎПОНЛАР «ДАМАС»ЛИ БЎЛИШАДИ

Нуробод мамлакатимиздаги қишлоқ хўжалиги ва чорвачиликка ихтисослаштирилган туманлардан саналади. Нуробод шаҳри ва туман қишлоқларида 100 минг нафарга яқин аҳоли истиқомат қилади. Турли миллат вакиллари аҳиллик билан иқтисодиётни ривожлантиришга, эл-юрт фаровонлигини юксалтиришга муносиб ҳисса қўшиб келишаяпти.

Туман касаба уюшмалар мувофиқлаштириш кенгаши муассасаларидаги бошланғич касаба уюшма ташкилотлари фаолиятини яхшилашда амалий ёрдам кўрсатиб ишчи-хизматчиларни ижтимоий ҳимоя қилиш борасида имкониятлардан тула фойдаланишаяпти.

Деҳқонлар айни кунларда 579 гектар майдонга пахта, 45121 гектар майдонга ғалла етиштиришмоқда. Сабзавот, полиз маҳсулотларини кўпайтиришга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Оила йилида чорвадорлар ҳам янги режаларни кузлаб меҳнат қилишаяпти. Давлатга 6787 тонна гўшт, 13322 тонна сут, 50355 дона қоракўл тери етказиб беришни ният қилганлар. Бу борада астойдил меҳнат қилаётган чорвадорлар моллар маҳсулдорлигини ошириш, ем-хашакдан тежаб-тергаб фойдаланиш, рацион асосида парваришлашга асосий эътиборни қаратишаяпти.

Илғор чўпонлар моддий ва маънавий рағбатлантириб борилаяпти. Чунончи, ўтган йили чорвачилик маҳсулотлари етиштиришда юқори кўрсаткичларга эришган 7 нафар чўпонга «Дамас» автомашинаси бериладиган бўлди. Бундан ташқари пешқадам чорвадорларга 28 та гилам, 5 та телевизор, санаторийларда дам олиш учун йўлланмалар бепул тарқатилади.

Иқтисодий, ижтимоий жиҳатдан ҳимояланган аҳоли ҳар бир соҳада фаоллик кўрсатишга, ютуқларга эришишга ҳаракат қилишаяпти. Шу кунларда туманда «Намунали билла» кўрик-танловини ўтказиш учун пухта ҳозирлик кўриляпти. Танлов ғолиблари қимматбаҳо совғалар билан тақдирланишади. Бу борада касаба уюшма қўмитаси аъзолари ташкилотчилик ва ташаббускорлик кўрсатишаяпти.

Ютуқлар билан бирга муаммолар ҳам йўқ эмас. Масалан, Сазагон, Р.Жаҳонгиров номли, «Олға» ижара хўжаликларининг меҳнаткашлари иш ҳақларини ўз вақтида олмаётганликларидан ранжишмоқда.

Ижтимоий суғурта маблағлари ва аъзолик бадалларининг ўз вақтида тушмаслиги соғломлаштириш ва маданий тадбирларни ўтказишда салбий таъсир кўрсатмоқда.

Бу муаммоларни бартараф этиш учун чора-тадбирлар белгиланди. Оила йилида аҳоли турмуш тарзи янада яхшиланади.

Р.ЭСОНОВ, Самарқанд вилояти, Нуробод тумани агросаноат мажмуаси ходимлари касаба уюшма қўмитасининг раиси.

Суратларда: туман агросаноат мажмуаси ходимлари касаба қўми раиси Р. ЭСОНОВ, зоотехник С. АЛЛАМУРОДОВ, илғор чўпон У. ТИЛОВОВ.

Н. АЛМУРОДОВ олган суратлар.

Шукуҳ

ЧИГИТ УНИБ ЧИҚДИ

Ғузор туманидаги Очил Кўчқинов номли жамоа хўжалигининг Салим Фармонов бошлиқ бригадаси жамоаси бу йил туманда биринчилардан бўлиб плёнка остига чигит экишган эди. Бугунги кунда 6 гектар майдондаги уруғ бир текис кўкариб чиқди.

- Бу йил деҳқончилик қилинадиган мавжуд 640 гектар майдоннинг 150 гектарига андижонлик деҳқонларнинг илғор тажрибаси асосида чигит экишга бел боғлагандик,-дейди жамоа раиси Мейлон Қайнаров. - Ҳозирга қадар бу янги усул мавжуд 27 та ижарачи даласида амалга оширилди. Бу борада механизатор Мамат Баротовнинг хизмати катта. У чигитни плёнка остида экишда бой тажрибага эга. Шу боисдан ҳам уруғ мўлжалдагидек кўкариб чиқмоқда.

С. АҲРОРОВ, «Ишонч» мухбири.

ҚИШЛОҚДА ҚЎШМА КОРХОНА

Тадбиркорларнинг амалда ишлаб чиқариш билан шуғулланиши мақтовга лойиқдир. Самарқанд туманида эса бундай ишбилармонлар кўп.

Бир неча йиллар илгари ташкил этилиб, туман иқтисодиётига арзигулик улуш қўшиб келаётган «Тоҳирий», «Шоҳид», «Пируз» фирмалари бирлашиб эронлик тадбиркорлар билан ҳамкорликда «Пируз-Лорч» қўшма корхонасини ташкил этишди.

Мазкур қўшма корхонада дастлаб кичик жиҳоз (мебел) ишлаб чиқарилди. Кейинги икки йилда эса жаҳон андозаларига мос стуллар, кресло-диван, газ плиталари, газ печкалари тайёрланмоқда. Корхона жамоаси бир ойда ўрта ҳисобда 700 тагача стул, 1200 тагача газ плиталари йиғиб, савдога чиқармоқда. Айни пайтда корхона маҳсулотини чет элларга чиқаришга ҳозирлик кўрилаяпти.

Қ. РУСТАМОВ.

Касаба уюшмаларида

ИШЛАР ЯХШИ, МУАММО ҲАМ ЙЎҚ ЭМАС

Давлат муассасалари ва жамоат ҳизмати ходимлари касаба уюшмаси Марказий Қўмитасининг Самарқандда ўтказилган кўчма раёсатида «Тармоқ касаба уюшмалари Самарқанд вилоят қўмитасининг кадрларни танлаш, ўқитиш, ва жойжойига қўйиш борасида олиб бораётган ишлари тўғрисида»ги масала муҳокама қилинди. Дастлаб Марказий Қўмита раиси Ж.Алимхўжаева тармоқдаги мазкур ишларнинг аҳволи ҳақида тўхталди.

Сўнгра Самарқанд вилоят қўмитасининг кадрлар билан ишлашга доир фаолияти таҳлил қилинди. Ҳозир қўмита мақомига эга касаба уюшма ташкилотлари сони 70 дан ошган. Касаба уюшма вилоят қўмитаси ташкилотчилиги туфайли 1997 йилда Самарқанд банк коллежи тармоқ вилоят қўмитаси ҳисобига киритилди. Ташкилий ишлар яхши йўлга қўйилганлиги куйи ташкилотларда ўтган ҳисобот-сайлов йиғилишларида ҳам яққол кўринди. Бу борадаги ишларнинг энг муҳим жиҳатларидан бири тармоқ вилоят қўмитаси кадрлар малакасини оширишга эътибор бераётганидир.

Кадрлар билимини бойитиш, малакасини ошириш мақсадидаги ўқувлар, семинар-кенгашлар мунтазам ўтказилмоқда. Ҳар ҳафтанинг жума куни ўқувларга бағишланади. Бунда даврнинг ва касаба уюшма фаолиятининг долзарб масалалари хусусида ўзаро фикрлашадилар. Зеро, амалиёт сабоғи бошқа барча воситалардан кўра таъсирчанроқдир. Фаолларнинг, айниқса янги сайланган касаба уюшма етакчиларининг билимини бойитишда туманларда ўтказилаётган семинар-кенгашларнинг самараси катта бўлаяпти. Савол-жавоблар юзма-юз суҳбат усулига асосланган бу тадбир амалийлиги билан фарқланади.

Бундан ташқари вилоят қўмитаси бошланғич касаба уюшма ташкилоти етакчилари учун ўнга яқин турли қўлланмалар ишлаб чиққан. Фаолиятни яхши йўлга қўйган касаба уюшма ташкилотларининг тажрибаси доимий равишда тарғиб қилинади. Хуллас, кадрлар масаласи тармоқ вилоят қўмитасининг диққат марказидадир. Бироқ бу - фаолият муаммолардан холи, дегани эмас. Ургут, Пайариқ туманларида бир қадар масъулиятсизликка ҳам йўл қўйилган. Бу масалалар давлат муассасалари Самарқанд вилоят қўмитасининг раёсат мажлисида ҳам муҳокама қилинган. Бугал Марказий Қўмитанинг кўчма раёсат мажлисида кўриб чиқилди. Сўзга чиққанлар ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.

Р.ҚУРБОНОВ, «Ишонч» мухбири.

Ижтимоий ҳимоя

ЙЎЛЛАНМАЛАР АЖРАТИЛМОҚДА

Бозор иқтисодиёти шароитида ишчи ва хизматчиларни моддий ва маънавий манфаатдорлигини ҳимоялаш муҳим аҳамиятга эгадир. Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасининг «Ўқитувчи» нашриётининг касаба уюшма қўмитасида бу борада ибратли ишлар қилинмоқда.

- Корхонамизда ишчи ва хизматчиларнинг манфаатдорлигини оширишга катта аҳамият берилаяпти,-дейди касаба уюшма қўмитасининг раиси Сайдулла Ҳусниддинов. - Шу мақсадда корхона раҳбарияти ва касаба уюшма қўмитаси ўртасида шартнома имзоланган. Бу шартномада ходимларимизнинг моддий, маънавий ва ҳуқуқий манфаатлари ҳимояга олинган.

Оила йилида бу борада амалга оширилаётган ишлар кўлами янада кенгайди. Шу боисдан ходимлар ва уларнинг оила аъзоларига, фарзандларига ҳам ғамхўрлик қилаяпмиз. Масалан ишчи-хизматчиларнинг фарзандлари учун ҳар йили Оқтошдаги Гагарин номли ва Шарқ нашриёт-матбаа концернига қарашли «Зилола» болалар санаторийсига йўлланмалар ажратилмоқда. Янги йил ва Наврўз байрамларида ҳар бир ходимга бир ойлик маоши миқдорида мукофот пули берилди. Кам таъминланган оилаларга вақти-вақти билан моддий ёрдам кўрсатилмоқда.

Бундан ташқари, корхонада ишчи хизматчилар учун бир қанча қулайликлар я

Ҳуқуқий саводхонлик

Ҳуқуқий таълим масалаларига бағишланди

Чирчиқ шаҳридаги 9-мактаб-гимназияда Инсон ҳуқуқлари Умумжаҳон Декларацияси қабул қилинганининг 50 йиллиги муносабати билан ҳуқуқий таълим масалаларига бағишланган семинар бўлиб ўтди. Унда Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази директори А.Саидов, БМТнинг бир қатор халқаро ташкилотлари вакиллари, Халқ таълими вазирлиги, пойтахт вилоят халқ таълими бўлими ходимлари қатнашди.

Семинар иштирокчилари мамлакатимиз мустақилликка эришгач ҳуқуқий таълимга эътибор кучайганини, мактаблар, гимназиялар, лицейлар ва бошқа ўқув юртларида бу соҳада махсус фанлар ўқитилаётганини таъкидладилар. Шу билан бирга ҳуқуқ дарслари соатларини кўпайтириш, ҳуқуқшунос ўқитувчилар тайёрлашни кенг йўлга қўйиш борасидаги фикр-мулоҳазаларини билдирдилар. Мактаб гимназияда ўтказилган «Мен ўз ҳуқуқларимни билмоқчиман», «Оила аъзоларининг ҳуқуқ ва бурчлари» мавзуларидаги дарсларда иштирок этдилар.

Анжуманни Чирчиқдаги Рус маданият маркази, 9-мактаб- гимназия ва Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази ўтказди.

/ЎзА/

Суратда: семинар пайти.

Ш. РУСТАМОВ
суратга олган.

КЕНГАШНИНГ НАВБАТДАГИ ЙИҒИЛИШИ

Яқинда Тошкент Давлат Юридик институтидаги «Ҳуқуқий маърифат тарғиботи» Марказида идоралараро республика мувофиқлаштирувчи услубий кенгаши йиғилиши бўлиб ўтди.

Йиғилишни Марказ директори З.Исломов «Кенгашнинг жорий йил иккинчи ярмидаги вазифалари ва унинг эксперт гуруҳларини тузиш тўғрисида»ги маърузаси билан очди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1998 йил 4 мартдаги «Хўжалик юритувчи субъектларнинг иқтисодий ночорлиги ва шартнома мажбуриятларининг бажарилиши учун мансабдор шахсларнинг жавобгарлигини кучайтириш тўғрисида»ги Фармони юзасидан доцент С.Бобоқулов маъруза қилди.

Адлия вазирлиги ва унинг тузилмалари томонидан «Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги тўғрисида»ги Қонун ҳамда «Паспорт тизими ҳақида»ги Низом қоидалари бўйича аҳоли ўртасида тушунтириш ва тарғибот ишлари олиб бориш масалалари бўйича А.Чўлиевнинг таклиф ва мулоҳазалари билан йиғилганлар ўртоқлашдилар.

Сўнг юридик фанлари доктори Б.Ибратовнинг «Пудрат ва қонун», доцент С.Бобоқуловнинг «Маҳалла мулк ҳуқуқи» рисолаларига илмий-оммабоплик мақоми бериш масаласи ўртага ташланди.

Бундан ташқари ҳуқуқбузарликка ихтисослашмаган Олий ва ўрта махсус ўқув юртлари талабалари учун «Давлат ва ҳуқуқ асослари» дарслигини тайёрлаш ҳақида З.Исломов алоҳида тўхталди.

Йиғилиш сўнгида Марказнинг минтақавий бўлим мудирларининг ҳисоботлари тингланди.

Маҳбуба ҲАЙИТОВА

Хўжалик суди қарорлари қандай бажарилаяпти?

МАСЪУЛИЯТИНИ УНУТАЁТГАНЛАР

Бугунги бозор иқтисодиёти даврида ҳам мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий ўзгаришлар юртбошимизнинг саъйи-ҳаракатлари туфайли жадал амалга оширилмоқда. Бироқ... Республикамиз Президентининг 1997 йил 5 февралдаги «Хўжалик судларининг қарорлари ижросини таъминлашга оид чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони ҳамда 1997 йил 11 февралдаги Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди, Давлат солиқ қўмитаси ва Марказий банк тасдиқлаган «Солиқ органлари ва банклар томонидан хўжалик судининг қарорларини бажариш тартиби»нинг ижросини Сурхондарё вилоят прокуратураси акциядорлик тижорат «Пахтабанк»нинг Денов, Қизириқ туманлари ҳамда Термиз шаҳри бўлимларида текшириш ўтказилганида ўша ташкилотлар солиқ инспекциялари томонидан Президент Фармони ва тартиб талаблари қўпол равишда бузилаётгани аниқланди. Оқибатда 1997 йилнинг ўн бир ойи давомида хўжалик судининг 731 та буйруқлари бўйича 65 миллион 643 минг 600 сўм ўрнига, атиги 513 та буйруқлар бўйича 30 миллион 737 минг 800 сўм тушган, холос. Бу эса кутилган умумий маблағнинг 46,8 фоизини ташкил қилади.

Ихтисослаштирилган акциядорлик тижорат «Пахтабанк» Денов шаҳар бўлимининг ўзларини «валломат» деб билгувчи раҳбарлари гўё ҳеч нарсадан хабарсиздай ўз қўлларида Денов улгуржи-чакана савдо матлубот ҳиссадорлик бирлашмаси бўйича хўжалик судининг 1996 йил 11 ноябрдаги 491/1-сонли қарори асосида 779032 сўмлик ва 1997 йил 7 апрелдаги 22/3-сонли хўжалик иши бўйича 480603 сўмлик бож ва жарима ундириш тўғрисидаги инкассо талабномалари бўлишига қарамай жорий йилнинг август ойида 8711 сўм ва октябрь ойида 4985 сўм, жами 13696 сўм банк фоизлари учун тўловлар ижро этилган.

Денов ароқ-вино заводи ҳиссадорлик жамиятининг ҳисобчи ходимларига «қойил-е» деб юборинг келади. Нега деганда Деновдай машҳур бўлган жойнинг «мана-ман» дегувчи банк ва солиқ ходимларини «боплаб» юборишган экан. Қандай қилиб дейсизми? Бунинг учун озгина ширин сўзлик кифоя экан. Бўлмаса, ҳиссадорлик жамиятидан хўжалик судининг 1997 йил 26 февралдаги 12/2 сонли буйруғи асосида 11112060 сўмлик бож ва жарима ундирилиши ҳақида 80-инкассоси мавжуд бўлса-да, 9 ойдан бери бажарилмай келинмоқда. Аслида, бу жаримани тўламасдан туриб бу жамиятнинг ҳеч қандай банк операциялари амалга оширилмаслиги керак эди.

Аммо... Ароқ-вино заводи бош ҳисобчисининг ташаббуси билан хўжалик суди қарори қоғозда қолиб «Қўқон» ишлаб чиқариш бирлашмасига 3750,0 минг сўм, Андижон биохимия заводига 44745,0 минг сўм, «Таъмирлаш» ҳиссадорлик жамиятига 100,0 минг сўм, «Глобус» хусусий фирмасига 1000,0 минг сўм, 40,0 минг сўм хизмат сафари, 13,4 минг сўм банк фоизлари учун тўловлар навбатсиз ижро этилган. Хўш, Денов шаҳар Солиқ инспекцияси «куйди-пишди» йигитларининг нигоҳлари қаёққа қарадийкин?

Бундай қонунбузилишлар «Пахтабанк»нинг Термиз шаҳар бўлимида ҳам содир этилган. Банкда айрим қарздор корхоналарнинг 2-рақамли йўлов картотекасида хўжалик суди қарори асосида қўйилган инкассо талабномаси мавжуд бўлса-да, бу тўлов ижро этилмасдан бошқа тўлов навбатсиз ижро этилиб, юқорида қайд этилган Фармоннинг: «Хўжалик судлари, прокуратура органлари билан биргаликда суд қарорларини қасддан бажармаслик фактлари бўйича айбдор бўлган мансабдор шахсларга нисбатан Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 232-моддасида кўзда тутилган жавобгарлик чораларини қўлласинлар, банк муассасаларига эса Ўзбекистон Республикаси хўжалик процессуал кодексининг 112-моддасига мувофиқ ундириб олиниши лозим бўлган сумманинг 50 фоизи миқдорида жарима солсинлар» дейилган 3-банди қўпол равишда бузилган.

Мисол учун, вилоятдаги 5-сонли қурилиш моллари ишлаб чиқариш очиқ турдаги ҳиссадорлик жамиятида хўжалик судининг 1997 йил 27 июлдаги 142/4-сонли буйруғи асосида «Ўзбекистон темир йўллари» Қарши бўлими фойдасига ундирилиши лозим бўлган 1291241 сўмга, 21 августдаги 01 рақамли ва «Чуқурсой автокорхонаси ҳиссадорлик жамияти» фойдасига хўжалик судининг 1997 йил 24 сентябрдаги 16 рақамли инкассо талабномалари 2 картотекасида мавжуд бўлишига қарамай бу жамиятнинг ҳисоб рақамидан 1997 йил 26 август куни 313-сонли тўлов топшириқномаси билан «Абдулло» фирмасига 800,0 минг сўм цементга, 27 август куни 324-тўлов топшириқномасига асосан «Равшан» хусусий фирмасига 200,0 минг сўм автошинага, 322-сонли тўлов топшириқномасига асосан «Сурхонтекстиль» ҳиссадорлик жамиятига 500,0 минг сўм қурилиш материаллари олиш учун ўтказиб берган. Бу жамиятнинг «кўли очиқ» раиси Қ.Жалилов ва бош ҳисобчиси Ф.Зариповалар ўз саховатпешалигини бир кўрсатиб қўйиш учун ўтган йил 29 август куни 325-сонли тўлов топшириқномасига асосан Жаҳон иқтисоди ва дипломатия университетига Аллаёров Алишернинг ўқиши учун 52,0 минг сўмни 1997 йил 25 августдаги 0-95-01-079-сонли шартномасига асосан ўтказиб бериб, жами бўлиб, 1552,0 минг сўмлик навбатсиз тўлов ижро этишган. Бу ишларга «Пахтабанк»нинг Термиз шаҳар бўлими бош ҳисобчиси Ф.Турдиалиев ва иккинчи тоифали мутахассис Ю.Аҳмедовлар имзо қўйишган.

Ўзини хон, кўланкасини майдон деб юргувчи банк ва солиқ ходимларининг ўз ишига масъулиятсизлиги сабаб «Янгийўл» асалчилик жамоа хўжалиги бўйича хўжалик судининг 39/2 иши асосида 3035 сўм давлат божи ундириш тўғрисида 1996 йил 18 декабрдаги 582-сонли ва шу иш бўйича 1570 сўм жарима ундириш тўғрисида 583-инкассо талабномалари мавжуд бўлса-да, 1997 йил 31 мартда 3,4 ва 7-сонли мемориал ордерлар асосида жами 80 минг сўм банк фоизи учун навбатсиз амалга ошириб юборилган.

Худди шундай ҳолатни банкнинг масъул ходимлари томонидан «Хўжаипок» ичимлик суви ишлаб чиқариш ва таъминлаш бошқармаси бўйича хўжалик судининг қарорларини писанд қилмасдан 1997 йил 27 октябрда 1 ва 2-сонли мемориал ордер билан 23614 сўм банк фоизига навбатсиз тўлов ижро этилган.

Бу ҳолатларга Қизириқ тумани давлат Солиқ инспекцияси томонидан мутлақо эътибор берилмаганидан ташқари хўжалик суди буйруқлари бўйича инкассо топшириқлари муддати ўтказиб юборилган, айрим инкассо талабномалари эса банкга умуман қўйилмаган. Жумладан, «Кунчиқиш» деҳқон-фермер хўжалиги бўйича вилоят хўжалик судининг 1997 йил 18 мартдаги 615/3 буйруғи, 1 апрель куни туман давлат солиқ инспекциясига келиб тушган бўлишига қарамай солиқчилар 1997 йил 12 май куни тўлов топшириқномасини банкга топширишди. Бироқ хўжалик судининг буйруғи 31 кунга кечиктирилиб топширилди. Бундай ҳолат «Хўжаипок» сув ишлаб чиқариш бошқармаси ҳамда «Гиламбоб» деҳқон-фермер хўжалигида ҳам содир этилган.

Хулоса қилиб айтмоқчимизки, хўжалик суди қарорлари жойлардаги мутасадди кишилар томонидан ижросиз қолиб кетмоқда. Бу ҳолатга чек қўядиган вақт келди. Ҳар ким ўз ваколати доирасидан чиқмаслиги лозим. Йўқса оқибати вой бўлади.

Шодмон САФАРОВ,
Сурхондарё вилоят прокурорининг катта ёрдамчиси.
Рустам ДАВЛАТ,
журналист.

Биз билан суҳбатлашинг...

САВОЛЛАРГА ҲУҚУҚШУНОС КАРИМ МУХТОРОВ ЖАВОБ БЕРАДИ

Иш вақтидан ташқари иш деганда нимани тушунамиз, унинг ҳам чегараси борми, унга ҳақ қандай тўланади?

М.ЖАЛИЛОВА,
Бухоро шаҳри.

Амалдаги меҳнат қонунига асосан ҳар бир ходим учун иш вақтининг нормал муддати ҳафтасига қирқ соатдан ортиқ бўлмаслиги керак.

Ҳозирги кунда олти кунлик ҳамда беш кунлик иш ҳафтасида ишлаётган корхона, муассасалар бор. Шунинг учун олти кунлик иш ҳафтасида ишлаётганларнинг ҳар кунги иш вақти етти соатдан , беш кунлик иш ҳафтасида ишлаётганларнинг саккиз соатдан ортиқ бўлмаслиги керак. Шу қоидаларга амал қилган ҳолда ҳар бир корхонада иш вақти режими тузилиши ва касаба уюшма қўмитаси билан келишилган ҳолда тасдиқланаши керак. Ана шу иш вақти режими билан белгиланган кундалик иш муддатидан ташқари ишлаш иш вақтидан ташқари иш деб ҳисобланади.

Иш вақтидан ташқари ишга жалб қилишда албатта ходимнинг розилиги бўлиши керак. Агар ходимнинг иш вақти ўн икки соат бўлса, ёки у меҳнат шароити ўта оғир ва ўта зарарли ишларда ишласа ходим вояга етмаган бўлса, бундай ходимларни иш вақтидан ташқари ишга жалб қилиш таъқиқланади.

Ногиронларни (тиббий хулосага мувофиқ тақиқланмаган бўлса), ҳомиладор аёлларни ва ўн тўрт ёшга тўлмаган боласи (ўн олти ёшга тўлмаган ногирон боласи) бор аёлларни уларнинг розилиги билан иш вақтидан ташқари ишлашларига йўл қўйилади.

Иш вақтидан ташқари ишнинг муддати ҳар бир ходим учун сурункасига икки кун давомида тўрт соатдан ва йилига бир юз йигирма соатдан ошиб кетмаслиги лозим.

Иш вақтидан ташқари ишлар учун камида икки ҳисса миқдорида ҳақ тўланиши керак. Тўланадиган ҳақнинг аниқ миқдори жамоа шартномасида ёки иш берувчи касаба уюшма қўмитаси билан келишиб белгиланади.

Касаба уюшма қўмитаси ходимларни иш вақтидан ташқари ишларга жалб қилинишининг қонунийлигини доимо назорат қилиб бориши зарур.

***

Уч йилдан буён меҳнат таътилидан фойдаланмаган эдим. Бу йил раҳбарларга фойдаланмаган таътилимни беринглар, деб мурожаат қилган эдим, таътилларингиз куйди, деган жавобни олдим. Шу тўғрими?

Д.НОСИРОВА,
Тошкент шаҳри.

Ходимнинг таътил кунлари, у неча йил фойдаланмаганидан қатъий назар, куймайди. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат Қонуни талабларига мувофиқ ходим биринчи иш йили олти ой ишлагандан сўнг йиллик меҳнат таътили олиш ҳуқуқига эга. Иккинчи ва кейинги иш йилларида ходимга жадвал асосида таътил берилади. Йиллик таътилларни бериш навбати календарь йил бошланишидан олдин иш берувчи томонидан касаба уюшма қўмитаси билан келишилган ҳолда тасдиқланади.

Ходим таътил бошланишидан камида ўн беш кун олдин таътил бериш вақти ҳақида хабардор қилиниши керак. Шундан сўнг ходимнинг меҳнат таътили беришни сўраб ёзадиган аризасини кутмасдан ҳам ходимга меҳнат таътили бериш тўғрисидаги буйруқ чиқарилиши мумкин.

Ходимнинг аризасига мувофиқ ёки ишлаб чиқариш зарурияти туфайли йиллик меҳнат таътили унинг розилиги билан бошқа муддатга ўтказилишига йўл қўйилади. Агар ходимнинг меҳнат таътили кўрсатилган сабабларга кўра кейинги йилга ўтказилса, унда ходимнинг фойдаланмаган таътил кунлари ўша йилги таътил билан бирга қўшиб берилади.

Қонуннинг йиллик меҳнат таътиллари бериш тўғрисидаги тартиби иш берувчи томонидан бажарилмаса ва бунинг натижасида ходим бир неча йил меҳнат таътилидан фойдаланмаган бўлса, унинг иш муассасада ишлаш даврида унга албатта бу фойдаланмаган таътил кунлари тўлиқ берилиши керак.

Меҳнат шартномаси бекор қилинганда ходимга фойдаланмаган барча йиллик асосий ва қўшимча таътиллар учун пуллик компенсация тўланиши шарт.

Ходимларга йиллик меҳнат таътиллари бериш тартиблари Ўзбекистон Республикаси 133-152-моддалари билан белгиланган.

Келинг, яхшиси бир бошдан бошлайлик. Нина Привезенцева Тошкент аэропортида 23 йил ишлади. Топширилган вазифаларни ўз вақтида бажарар, бир неча бор маъмурият томонидан рағбатлантирилган эди. Ун йилга яқин стюардесса бўлиб ишлади. Ҳам ишлаб, ҳам ўқиб, олий техник маълумот олди. Кейинчалик саломатлиги ёмонлашгани туфайли кўриқлаш бўлинмасига, хўжалик бўлимига ўтказишди. 1991 йилдан эса назорат хизматида бошлиқ, кейин катта агент бўлиб ишлади. Ҳамкасбларн доимо унинг ҳурматини ўрнига қўйишарди. Уз вазифаларини оғишмай бажаради, иш юзасидан бирор танбеҳ олмаган. Ишчан ходим дея таърифлашдан раҳбарлар. Бу ҳолат 1996 йилнинг майигача давом этди.

Ўша кези назорат хизматининг такомиллаштирилиши муносабати билан бир неча хизматчилар қаторида у ҳам қисқартиришга тушди. Шу ўринда бир нарсани таъкидлаб ўтиш жоиз. Аэропорт раҳбарияти бу борада аввал бошдан қўпол хатоликка йўл қўйди. Привезенцеванинг мутахассислиги бўйича бир неча вакант вазифалар мавжуд эди, шу боисдан ҳам у ахборот-сўровнома бўлимига бошлиқ этиб ўтказишларини сўради. Унинг бу илтимоси қондирилмади. Бу -биринчидан.

Иккинчидан эса, унинг болаликдан II гуруҳ ногирони бўлган фарзанди бўлиб, буни раҳбарият албатта ҳисобга олиши зарур эди. Штатлар қисқартирилиши чоғида малакаси тенг бўлган бошқа ходимларга нисбатан уни ишда қолдирилишидан иборат устун ҳуқуқини мутлақо эътиборсиз қолдиришди.

Шундан сўнг Привезенцева учун изтиробли дамлар бошланди. Меҳнат дафтарчаси ҳали ҳам тўлдирилмагани аниқланди.

- Қайдни қайси кундан кўрсатасиз? - деб сўради Привезенцева.

- 12 ноябрдан- жавоб берди Хўжаева.

Қонунга биноан Привезенцева ишдан бўшатилгач, 10 кундан кечикмай штати қисқартирилган иш қидирувчи сифатида бандлик хизмати рўйхатидан ўтиши лозим эди. Шундагина у яна 2 ой мобайнида ўртача миқдордаги ойлик маошини олиб туриши мумкин эди. Бинобарин, маъмурият аввал бошданоқ Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексини 108- ва 110-моддалари талабларини бузган.

Албатта, Привезенцева меҳнат дафтарчасини олмай судга мурожаат этишини айтди. Муҳтарам ўқувчи, шу ўринда бир муҳим ҳужжатга эътиборингизни қаратмоқчи эдим. Суддан даъво аризасини олгач, аэропорт маъмурияти ҳозиргина айтиб ўтганимиздек, довдираб қолди. Таъкидлаб ўтганимиздек, меҳнат дафтарчасида меҳнат шартномаси тўхтатилган кунни ўзгартиришди ва яна бир хатога йўл қўйишди. Чунки 21 октябрдан 15 ноябргача Привезенцева бетоб бўлиб вақтинча меҳнатга лаёқатсизлик ҳолатида эканлигини ҳисобга олинмади.

Мана шу ҳангомалар Привезенцевани судлашиш йўли билан ўзига нисбатан адолатни тиклаш, ўз ҳуқуқини ҳимоя қилишга мажбур этди. Ўзининг даъво аризасида у ўзини илгари ишлаб келган вазифасига тиклашларини, жавоблар - иш берувчидан мажбуран ишламай юрган вақти учун ҳақ ва Ўзбекистон Республикаси Меҳнат Кодексининг 112-моддасига биноан ўзига етказилган маънавий зарар учун товон пули ундириб беришни сўради.

1997 йилнинг 31 январида Сергели тумани суди Привезенцеванинг даъво аризасини кўриб чиқди. Фуқаролик иши материалларини ҳамда суд мужлисида уларни тадқиқ этиб, дейилади судья

Завиялова раислик қилган суд мажлиси қарорида Нина Николаевнанинг даъво аризаси қаноатлантирилмади.

Шундан сўнг Привезенцева юқори суд идорасига мурожаат этишга мажбур бўлди. Унинг иши кассация шикояти тариқасида Тошкент шаҳар судида кўриб чиқилди ва Сергели туман суди қабул қилган қарор бекор қилинди. У шаҳар суди ўз қарорида туман судида йўл қўйилган бир қатор жиддий хатолар кўрсатиб ўтилди. Ишни бошқа таркибдаги судьялар кўриб чиқиши учун яна Сергели туман судига қайтаришди.

Энди ҳужжатлар судья Ж.Раҳмоновнинг қўлига келиб тушди. У аввал бошданоқ бу ишни кўриб чиқиш муддатлари бузилишига йўл қўйди. Фақат 6 ойдан кейингина иш кўриб чиқилди. Раҳмонов ўзидан аввалги ҳамкасбининг хатоларини тақрорлабгина қолмай, бу қусурларни ўзига хос «қўшимчалар» билан тўлдирди.

Процессуал тартибга кўра қарама-қарши тарафлар вакиллари иш кўрилаётган залда маълум жойларда ўтиришлари шарт. Лекин Привезенцеванинг жамоатчи ҳимоячиси суд мажлислари давомида чет кишилар орасида ўтиришга тўғри келди. Иккинчидан, иш кўрилаётган бир неча кун мобайнида прокурор фақатгина бир марта чорак соатгина мажлисда қатнашди, холос. Аризанинг моҳиятини атрофлича ўрганмади, даъвогарнинг сўзини эшитмади ҳам. Ва ниҳоят, қуйидаги сўзлар билан чекланди:

- Ишдан бўшатиш ҳақида огоҳлантирилган, шунинг учун ҳам ишдан бўшатилган-лигини тўғри деб ҳисоблайман. Даъво рад этилсин. Меҳнат дафтарчаси ўз вақтида берилмаган экан, пул тўлаш керак.

Суд қарорида бу фикрлар бошқача талқин этилган. Жамоатчи ҳимоячи. Примқуловнинг даъвогарни ҳимоя этиб сўзлаган нутқи эса бу қарорда умуман ўз аксини топмаган.

Табиийки, Привезенцева иккинчи маротаба шаҳар судига мурожаат этишга тўғри келди. Фуқаролик иши бўйича судьялар коллегиясида Сергели туман судининг қарори яна бекор қилинди. Охир-оқибатда яна Сергели туман судига бошқа таркибда кўриб чиқиш учун юборилди.

Энди бу иш судья Д.Очилова қўлига тушди. У ҳам ишни кўриб чиқишни қандай

Касаба уюшма ва инсон ҳуқуқлари

ҲАҚ ЖОЙИДА ҚАРОР ТОПМАГАЧ...

ёки «Тошкент» аэропорти раҳбарлари ва пойтахтимизнинг Сергели тумани судьяларининг фаолиятларида рўй берган айрим «ноаниқликлар» хусусида

бўлмасин пайсалга солаверди. Бу ҳақда Привезенцева 3 ноябрьдаги аризасида шундай ёзади: «Сергели туман суди мазкур ишни кўриб чиқиш жараёнида меҳнат қонунчилиги олти ўринда бузилганлигини асослаб берди.

Биринчидан, қисқартирилаётган ходимларни белгилаш пайти иш берувчи Привезенцеванинг ишда қолдирилишга бўлган устун ҳуқуқларини эътиборга олмаган.

Иккинчидан, гувоҳлар - касаба уюшма қўмитаси аъзоларининг тушунтириш беришларича касаба қўмитаси мен ҳимоя қилаётган кишимнинг бўшатилишига розилик бериш тўғрисидаги масалани муҳокама қилмаган , унинг аризаси борлигига ишора қилиб қўя қолган,- деб давом этди Примқулов. - Привезенцева бўлса, ўз аризасида фақат масалани унинг иштирокисиз кўриб чиқилишигагина розилик берган, касаба фаолларининг бу ишга холис ёндошишларига ишонган, аслo ўзини ишдан бўшатишларини сўрамаган. Меҳнат Кодексига мувофиқ касаба қўмитаси масалани муҳокама этмаётганида унинг ишда қолдирилишига бўлган устун ҳуқуқини шу хизматнинг бошқа ходимлари ҳуқуқи билан қиёслаб кўриши керак эди.

Учинчидан, унинг юқори касб маҳорати ва малакаси, оилавий шароити ҳисобга олинмаган. Ахир, унинг қарамогида болаликдан II гуруҳ ногирони бўлган ўғли бор эди-ку?! Привезенцева эса оиланинг ёлғиз боқувчиси эди.

Тўртинчидан, уни ишлаб турган лавозимидан бўшатаётиб, маъмурият жамоа шартномаси меъёрларига зид иш тутган. Чунки шартномада айтилишича, иш берувчи жамоа шартномасида кўрсатилган талабларга зид буйруқлар, фармойишлар чиқармаслик мажбуриятини олган. Мазкур жамоа шартномасининг махсус бир бандида штати қисқартирилаётган хизматчининг ижтимоий ҳимояланганлиги ҳам албатта ҳисобга олиниши кўрсатилган. Худди мана шу қоида ижтимоий ҳимояланмаганлик Привезенцеванинг қарамоғида болаликдан ногирон фарзанди борлиги «унутилган» эди.

Ва, ниҳоят, охиргиси- Привезенцева ишга лаёқатсизлик вақтида ишдан бўшатилгани энг қўпол қоида бузилишидир.

Ниҳоят, суд Нина Николаевнани аэропорт назорат хизматининг катта агенти лавозимига қайта тиклаш, жавобгардан фақатгина 1996 йил 12 ноябрдан 1997 йил 31 январгача бўлган вақт учун пул ундириб бериш ҳақида қарор чиқарди. Вақт масаласига келсак, 1 февралдан кейинги у ўз айби билан ишга жойлашмаган эмиш. Қонун эса мажбурий ишга чиқилмаган вақтнинг ҳаммаси учун ҳақ тўлашни кўзда тутади. Суд қарорининг яна бир кемтик жойи шундаки, Привезенцева унга етказилган маънавий зарар учун ҳам товон пули тўланишини таъминлашни сўраганди. Меҳнат Кодексининг 112-моддасида бу икки даъво учун ҳам товон пули тўланиши кўрсатилган.

Шу ўринда бир неча савол туғилади: нега Сергели туман суди бу ишни кўраётиб шунча сансалорликка йўл қўйди? Уз касбига лоқайд қараб, фуқароларнинг ҳуқуқ ҳамда манфаатларини ҳимоя қилувчиларга ким чора кўради? Привезенцева ўзининг топталган ҳуқуқ ва манфаатларини тиклаш учун яна қанча овора бўлади?

Ким бу саволларга жавоб беради? Привезенцевага нисбатан бундай адолатсизликни қилиб қўйиб, кейин вазиятни «бартараф» этишларига қараганда, на «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпаниясининг «Тошкент» аэропорти раҳбарлари, на Сергели туман судининг судьялари бу саволга оқилона жавоб бера оладилар. Улар ҳамон ўз нафсониятлари оғушида юришибди. Яна шундай вазият юзага келса, бу каби воқеа иккинчи такрорланмайди, деб ким кафолат беради? Уларни асосли равишда даволаб қўйиш керакки, токи ҳам жамиятга, ҳам унинг ҳар бир аъзосига зарарли бўлган нафсониятга берилиш касаллиги зинҳор-базинҳор бошқа намоён бўлмасин.

Жўра САЪДУЛЛАЕВ,
Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши Матбуот ва ахборот шўъбаси мудири.

ТЕАТР ҲАМ ИЖТИМОИЙ ЖАМОА

Бугунги бозор иқтисодиёти шароити барча соҳалар қатори санъат,хусусан театр санъатини ҳам четлаб ўтмаяпти. Томошабинлар қалбига йўл топиш, уларни театрга жалб этиш театрлар жамоасидан тадбиркорлик, изланувчанлик, хуллас катта меҳнатни талаб этади.

Бу осон иш эмас, албатта. Яқинда Муқимий номидаги ўзбек Давлат мусиқий театрида бўлиб, театр директори Абдишукур Шомуродов билан театрда амалга оширилаётган ишлар, санъат аҳлини ижтимоий муҳофаза қилиш борасидаги тадбирлар ва оила йилидаги режалар хусусида суҳбатлашдик.

- Абдишукур ака, Муқимий номидаги театр номини нафақат республикамиз, балки қардош республикалар , хориж давлатларининг санъат шинавандалари ҳам яхши билишади. Чунки, театрнинг довруғи ўша иккинчи жаҳон уруши даврларида ҳам, ундан кейинги йилларда ҳам кенг тарқалганлигини эшитганмиз, матбуот саҳифаларида ўқиганмиз.

- Тўғри айтдингиз. Театримиз ташкил этилганига ҳам қарийб 60 йил бўлаяпти. Республикамизнинг ўша пайтдаги раҳбари Усмон Юсупов ташаббуси билан Ўзбекистонда биринчи марта мусиқали драма театри ташкил топган. Театримиз биноси уруш даврида, аниқроғи 1943 йилда қурилганлиги, бино пештоқига ҳам ёзиб қўйилган. Қаранг, қирғинбарот жанг бораётган, қийинчиликлар бўлаётган бир пайтда пойтахтимизнинг кўркам жойида театрнинг муҳташам биноси қад ростлаган. Бу халқимизнинг санъатга бўлган меҳр-муҳаббати рамзи, десак, янглишмаймиз. Демак, санъат ҳар қандай шароитда, ҳар қандай даврда ҳам одамларнинг ҳамроҳидир. Санъаткорларимиз жангчилар ҳузурида бўлиб ўзбек театр санъатидан уларни баҳраманд этганлар. Қаҳрамон, мард ва жасур жангчиларимиз ҳақидаги драмаларни кўриш учун ҳатто театрга томошабинлар сиғмай қолган, бир пьеса ҳафта, ўн кун кетмакет қўйилганлигини ҳанузгача устоз санъаткорлар гапириб беришади.

- Ҳозирги бозор иқтисодиёти шароитида театр жамоасининг амалга ошираётган ишлари хусусида ҳам гапириб берсангиз.

- Мен 22 йилдан буён шу жамоада меҳнат қиламан. Режиссёр ассистенти, труппа раҳбари, директор ўринбосари бўлиб ишладим. Мана 5 йилдирки театрда директорлик қиламан. Мен гувоҳманки, театримиздан томошабин аригани йўқ. Янги, турли мавзуидаги драмаларни саҳналаштиришга қўл урилди. Янги ғоялар, изланишлар ўз самарасини беряпти. Чунки, томошабинлар туфайли театр театр бўлади-да.

- Ижтимоий муҳофаза масаласида қандай тадбирлар амалга оширилаяпти?

- Ҳар йили касаба уюшма қўмитаси билан ҳамкорликда меҳнат шартномаси тузамиз. Театримиз санъаткорлари, ишчилари ўз касбларига фидоийдирлар. Уларнинг меҳнатлари адолатли баҳоланмоқда. Табиийки, санъат аҳлининг қалби нозик бўлади. Шунинг учун улар кўнглига йўл топишга ҳаракат қиламиз. Уларни ижтимоий жиҳатдан муҳофаза қилиш асосий вазифамиздир. Республика Президенти, ҳукуматимиз раҳбарияти томонидан санъат аҳлини қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор берилаётганлигидан барча мамнун. Хусусан, Президент Фармонига асосан барча санъаткорлар жамоаси қатори театримиз аҳли ҳам ойлик маоши нисбатан 25 фоиз миқдорида қўшимча ҳақ олишаяпти. Маошлар ўз вақтида бериляпти. Ҳар бир санъаткорнинг унвонига қараб яна қўшимча ҳақ тўланади. Бундан ташқари кўп йиллик меҳнат фаолияти ҳисобга олинган ҳолда ҳам иш ҳақи тўланаяпти. Бу борада республика маданият вазирлиги ўз ёрдамини аямаяпти.

Беш йилдан буён барча соҳадаги режаларни ортиғи билан бажараяпмиз. Ютуқлар туфайли иқтисодий аҳволимиз яхшиланиб бораяпти. Ички имкониятлардан фойдаланган ҳолда ойлик ва квартал мукофотлари, байрамлар муносабати билан моддий рағбатлантириш, тўй-маъракалар ўтказаётган касбдошларимизга иқтисодий ёрдам кўрсатиш тадбирларини белгилаганмиз.

Жамоамизни транспорт воситалари билан таъминлашда республика маданият вазирлигига қарашли Маҳкам Саидов директорлик қилаётган автобаза, шаҳримиздаги Убайдулла Валиев раҳбарлик қилаётган 2-автокорхонанинг ёрдамлари каттадир.

Яқинда театримизда электр ишларини таъмирдан чиқардик. Умуман вазирлик томонидан таъмирлаш ишларини амалга оширишда 15 миллион сўмдан кўпроқ маблағ ажратилди. Демак, театримиз тақдири билан шуғулланаётган ташкилотлар бор экан, ишимиз янада кундан кунга ривожланиб бораверади.

Албатта. Халқимизнинг ҳар бир куни, ҳар бир байрами театримиз санъаткорлари зиммасига масъулият юклайди. Шодлик дамларимиз халқ билан бирга. Байрамга янги саҳна томошалари кўрсатиш ниятидамиз. Меҳрибонлик уйларига, саломатлик масканларида, маҳаллаларда бўлиб ўз санъатимизни намойиш этиб, байрамга қувончлар улашмоқчимиз.

- Бугунги кунда театрнинг мавқеи қандай?

- Истиқлол шарофати туфайли театримизга эътибор янада кучайди. Томошабинлар сафи кўпайиб бормоқда. Ўтган йили республикамиз мустақиллигининг шонли 6 йиллиги байрами муносабати билан театримиз санъаткорларидан 5 нафар киши ҳукуматимизнинг унвонларига сазовор бўлишди. Наима Пўлатова, Марям Ихтиёровага Ўзбекистон халқ артисти, Равшан Солиҳов, Рустам Маъдиев, Турғунбек Назаровларга Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист унвонлари берилди. Бу театримиз жамоасининг катта ютуғидир. Юртбошимиз томонидан кўрсатилган эътибор ва ғамхўрликлар янада илҳом билан ишлашга ундамоқда.

- Абдишукур ака, оила йилидаги режалар билан ҳам ўртоқлашсангиз.

- Бажонидил. Оила йилида таълим тарбия, маънавий-маърифий мавзуидаги саҳна асарларига кенг эътибор берилади. Чунки, театр-тарбия ўчоғидир. Янги пьесалар қўйилаяпти. Рустам Маъдиевнинг «Девона», «Тақдир» мусиқий драмалари аллақачон ўз томошабинини топди. Шу кунларда Ҳуршид Давроннинг Бобур ҳаётига бағишланган мусиқий драмаси, ёш драматург Санжарали Имомов қаламига мансуб «Сойиб Хўжа операцияси» мусиқий комедияси саҳналаштирилмоқда. Бундан ташқари оила йилида уруш ва меҳнат фахрийлари, афғон жангчилари, Чернобил фожеаси қатнашчилари имтиёзимиздан фойдаланадилар. Улар барча спектакллар томошаларга бепул кирадилар.

Ташкилий тадбирларни амалга оширишда касаба уюшма қўмитасининг раиси Ўзбекистон халқ артисти Суръат Пўлатов, директор ўринбосарлари Исмат Одилов, Нодир Сатдиновларнинг хизматларини алоҳида таъкидлашни истардим. Томошабинларга айтадиган гапимиз шуки: театримиз эшиклари доимо очиқ. Табассум ва шодлик улашишдан бахтиёрмиз.

Суҳбатдош: Абдулла АЙИЗОВ, «Ишонч» мухбири. К. РОМЕЕВ олган сурат.

МУНАЖЖИМ ТАЪБИРИ

21 апрель (24 ой куни) - рамзи «Айиқ» (ички кучларни бир жойга тўпламоқ) Катта қувват ва асосий ишларни бошлаш куни. Фаол жисмоний машқлар бажариш мақсадга мувофиқ.

22 апрель (25 ой куни) - рамзи (Фараз ва кашфиёт) Бу кунда барча инсонларнинг руҳий ва жисмоний шилаклардан тозаланиш тавсия этилади. Бу кун ягоналик куни бўлиб, бу кунда ўз ички овозингизни эшитиш мақсадга мувофиқ.

23 апрель (26 ой куни)- рамзи «Қурбақа» (муваффақиятлар билан алданмоқ). Бу кунда куч қувват кўп сарфланади. Яхши дам олиш ва кучларни авайлаб сарф қилиш тавсия этилади. Ўз алоқаларингизни тартибга солинг ва кераксизларидан воз кечинг.

24 апрель (27 ой куни) - рамзи «Трезубец» (воқеликни идеаллаштириш ва сезгирлик). Ёмон фикр ва ҳиссиётларга берилманг.

25 апрель (28 ой куни) - рамзи «Нилуфар» (чуқурлашиш ва зеҳн очиш) Бу куни эзгуликлар ҳақида ўйлаш, яхши кайфиятда бўлиш тавсия этилади. Бошингизни асранг ва қон босимингизни кузатиб боринг.

26 апрель (29 ой куни) - рамзи «Саккизоёқ» (умидсизлик ва алданиш). Бу кун ҳам бир мунча оғир кечади. Бошқа оғир кунлар қатори бу кунда ҳам шам ёқиш ва нон пиширишни тавсия этилади. Ухлашдан олдин сувда ювиниш ва оёқни совуқ сувда бироз олиб туриш ҳам яхши.

Соат 16.43 да 1-чи ой куни киради, унинг рамзи «Светильник» (ғояларнинг туғилиши) Режа тузишда жуда яхши кун. Айнан шу кундан бошлаб тузилган режаларни ҳаётга тадбиқ этиш ярамайди.

Юракда жарроҳлик муолажалари олиб бориш тавсия этилмайди.

МАРКАЗИЙ ОСИЁ ЯНГИЛИКЛАРИ

Тожикистон Президенти Имомали Раҳмонов халқ демократик партиясининг яқинда бўлиб ўтган съездида бу партиянинг раҳбари этиб сайланган. Тўрт йил аввал ташкил этилган бу партияни шу вақтгача республика парламентининг спикери, яраш комиссияси раисининг муовини Абдумалик Дўстиев бошқариб келган эди. Маълумки, И.Раҳмонов бундан бир ой аввал ушбу партияга аъзо бўлган эди. Республикада бўладиган Президент ва парламент сайловлари арафасида халқ демократик партияси энг фаол ҳаракатга айланиши шубҳасиз.

***

Тожикистонда оммавий ахборот воситаларини назорат қиладиган расмий органи бўлмаса ҳам матбуот ҳақидаги қонунни ҳанузгача қабул қилинмаганлиги республикада хизмат қилаётган мухбирларни баъзи мавзуларни ёритишларида анча қийинчиликлар туғдираётганлиги ҳақида Би-Би-Си радиоси хабар берди.

***

Туркманистон Президенти С.Ниёзов расмий визит билан Қўшма Штатларга келган. Шарҳловчиларнинг сўзларига қараганда Америка Президенти Б.Клинтон С.Ниёзов билан ўтказадиган учрашувда Туркманистонда инсон ҳуқуқлари масаласини кўтариши аниқ.

***

Россиянинг юқори лавозимли амалдорлари Ашгабатга кейинги вақтда тез-тез ташриф қиладиган бўлиб қолдилар. Россия Бош вазирининг ўринбосари И.Рибкин С.Ниёзовнинг АҚШга сафари олдидан унинг ҳузурида бўлиб, шу ойнинг охирида бўладиган МДҲ мамлакатлари раҳбарларининг учрашуви ҳақида суҳбатлашган бўлса, ундан икки кун аввалроқ Россия Ташқи ишлар вазирининг муовини Б.Пастухов бошчилигидаги делегация Каспий денгизи хусусидаги масалани мухокама қилган. Пастуховнинг «Русский телеграфф» газетасига берган суҳбатида бу масала хусусида иккала томоннинг умумий қарашлари ҳам мавжуд эканлигини билдирган.

***

Қирғизистонлик 10 нафар ёшлар Хитойга бориб ўқиш ҳуқуқини қўлга киритишди. 120 нафар талабгорнинг ичидан ғолиблари деб топилган бу ёшлар энди қайси олий ўқув юртларига кириб ўқишларини ўзлари танлашади.

Ахборот

ОАВ: XX асрда

Якунланишга тобора яқинлашиб бораётган асримиз инсоният тарихида ўзига хос хусусиятлари билан ажралиб туради. Физика, техника юз йиллиги деб аталган бу давр энг йирик ижтимоий-иқтисодий, сиёсий воқеаларнинг гувоҳи бўлди. Давлат ва жамият қурилиши академиясида ўтказилган уч кунлик халқаро форумнинг номланиши ҳам фикримизни беихтиёр тасдиқлайди: «XX асрнинг долғали даврларида оммавий ахборот воситаларининг роли».

Анжуман ўта нуфузли ташкилотлар, хусусан К.Аденауэр фондининг минтақамиздаги ваколатхонаси, Давлат ва жамият қурилиши академияси, Ўзтелерадиокомпания, Туркия журналистлар уюшмаси, «Немис тўлқини» телерадиостанцияси ва журналистларни қайта тайёрлаш халқаро фонди томонидан ташкиллаштирилгани ҳам унинг сарв-салобати, аҳамиятини кўрсатиб турди. Форумда сўзга чиққан мутахассислар журналистканинг қийин пиллапояларни босиб ўтган тарихи, ҳар бир давлатда ўзига хос суръатда ривожланганини таъкидладилар.

- Германиядан ташриф буюрган жаноб Лотар Крафт ўз мамлакати ҳақида гапирар экан, 30-йилларда германиялик ёшлар орасидан чиққан бир оқим зиёлилар, мамлакатни демократлаштиришга ҳаракат қилган журналистлар тўғрисида сўзлаб берди. Ундан кейин сўз олган ТошДУ журналистика факультетининг доценти Б.Дўсткораев ҳам асримизнинг бошидаги жадидчилик ҳаракати, илк миллий газеталарнинг пайдо бўлиши тўғрисида атрофлича ахборот берди. Шундан яқин совет тизими исканжасида қолган бизнинг юртларда ҳам тарихда ҳурфикр, демакрат ёш зиёлилар бўлганлиги, улар ҳам эркин матбуот учун жон бериб курашганликлари маълум бўлди.

Уч кун давом этган халқаро анжуман қатнашчиларда катта қизиқиш уйғотди.

Маҳфират ОЧИЛОВА.

ЖУҒРОФИЙ ХАРИТАЛАР ҚАНДАЙ ЯРАТИЛАДИ?

Самарқанд вилоятининг янги жуғрофий харитасини қўлга олган кишилар унда пайдо бўлган янги сув омборлари, каналлар, автомобиль йўллари, кўплаб кўрғонларни, майдонларнинг анча кенгайганлигини, эски шаҳарлар ва аҳоли манзилларининг жойлашиши ўзгарганлигини кўриб ҳайрон қолишлари мумкин. Чўлдаги Нуробод тумани ҳудудидаги янги Собирсой сув омборининг тархи ва машҳур ҳамда энг катта Айдаркўл сув ҳавзаси майдонининг катталашгани беихтиёр диққатингизни ўзига тортади. Хуллас, кўп йиллардан буён ишлатилиб фойдаланиб келинаётган эски харталар билан янгилари қиёс қилинганда анча ўзгаришлар борлигини пайқаб олиш қийин эмас.

Жуғрофий харталар ҳам «қариши» - эскириши мумкинлигини ҳамма биладир. Харталар тайёрлаш технологиясининг ўзи ҳам уларни ҳар 7-8 йилда янгилаб туришни кўзда тутади. Ҳаёт бир жойда депсиниб турмайди, шунинг учун барча ўзгаришлар бу ялтироқ силлиқ қоғозларда



нинг бошларида чиқарилган жуғрофий харитаси гарчанд жуда янги ва мукаммалдай кўринса-да, барча ўзгаришлар киритилгандай туюлса-да, ҳозирнинг ўзидаёқ айрим фойдаланувчилар, баъзи касб эгалари талабларига жавоб бермай қўйди. Мамлакатда Давлат кадастри хизмати ташкил этилди. Унинг вазифаларидан бири мамлакатимизда ердан фойдаланишни жаҳон талаблари даражасида такомиллаштиришдир. Шуни айтиш керакки, кўчмас мулкларнинг ҳаммаси - биноларинишоотлар, уйлар, ҳар бир ер бўлаги, ундан қайси мақсадларда фойдаланилишидан қатъи назар, жуғрофий ўлчамлар асосида кадастрга киритилиши ва ундаги маълумотлар мамлакат бўйича ягона маълумотлар «хазина»сида тўпланиши лозим. Шундай қилиб, давлат кадастр хизматига жумладан, Самарқанд харитаси беш баробар батафсилроқ тасвирланган ҳолда, ҳар бир сантиметр ўлчамда 20 метр акс этган кўринишда керак бўлади.

Узбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Геодезия, картография бош бошқармаси ва Давлат кадастрига қарашли Самарқанд аэрогеодезия корхонаси ана шундай хариталарни яратади. Бу ўтган йили ўзининг 60 йиллик тўйини нишонлаган жамоа бажараётган ишларининг бир қисмидир. Бу ердаги мутахассислар жамлаб ҳисоблаганда мамлакатимизнинг ярим ҳудудига тенг шаҳарлар ва вилоятлар харитага туширадилар. Сўнгра топозгаф ва картографлар айланиб юриб ва осмондан туриб олинган маълумотларни тўплаб хаританинг хонаки нусхасини яратадилар. Ана шундан кейингина у босмахонада босилади ва истеъмолчилар қўлига етиб боради.

Тўлқин Абдуллаев Самарқанд аэрогеодезия корхонасида 1981 йилдан буён ишлайди. У Тошкентдаги топография техникумини тугатган. Сўнгра Москвадаги Топография институтини сиртдан ўқиб битирди. Ўшанда Тўлқин ва яна Фарғона водийсидан келган бир йигитча бундай ноёб касб бўйича ўқиб олий малакага эга бўлгандилар. Уша вақтларда республикалар аҳолисидан мутахассислар тайёрлашдан кўра борларини юборишни афзал кўрардилар. Тўлқин Абдуллаев бугунги кунда корхонага раҳбарлик қилади ва бу ерда ишлаётган асосий касбдаги мутахассисларнинг ундан бир қисми мамлакатимиздаги ўқув юртларида ўқишиб билим ва малака олишган. Уларнинг ҳаммаси ўз ишларини муваффақият билан бажаришмоқда. Эндиликда Самарқанд меъморчилик-қурилиш институти, Тошкентдаги олий ва ўрта махсус ўқув юртлари мутахассислар тайёрлаяптилар.

Халқ хўжалигини муваффақиятли ривожлантириши учун харита ва картография кўпчиликка керак. Бу соҳадаги мутахассисларга эҳтиёж ҳам сусаймайди. Жаҳон даражасидаги энг замонавий технологиялар асосида хариталар тайёрлаш ҳам ривожланиб бораверади.

Р.БОБОМУРОТОВ.

Ногиронлар спортига эътибор

Олимпия шон-шуҳрати музейида Ногиронлар спорти республика уюшмасини ташкил этишга бағишланган таъсис конференцияси бўлди. Конференция ишида Жисмоний тарбия ва спорт давлат қўмитаси, Миллий олимпия қўмитаси, Ижтимоий таъминот вазирлиги, касаба уюшмаларининг «Ўзбекистон» жисмоний тарбия ва спорт жамияти, ногиронлар жамиятлари вакиллари иштирок этди.

Анжуманда сўзга чиққан Давлат спорт қўмитаси раиси Баҳодир Махситов мустақилликнинг дастлабки кунлариданоқ Президентимиз Ислом Каримов ва мамлакат ҳукумати ногиронларнинг ижтимоий муҳофазасига катта эътибор бераётганини таъкидлади. Республикамизда ногиронлар меҳнатда ўз қобилиятини намоён этиши, бўш вақтини фойдали ўтказиши ҳамда жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланиши учун барча шарт-шароит яратилмоқда. Мустақиллик йилларида ногирон спортчилар халқаро мусобақаларда бир неча бор муваффақиятга эришди. Хусусан, «Матонат» клуби футболчилари ногиронлар ўртасида икки марта жаҳон чемпиони бўлишди.

Ногиронлар спорти уюшмасининг ташкил этилиши республикамизда мавжуд барча ногиронлар жамиятларининг спортга доир фаолиятини мувофиқлаштиришга, ногиронлар спортини ривожлантириш, ногиронларнинг дам олишини ташкил этиш ва бошқа муҳим муаммоларни ҳал қилиш имконини беради, деди Ижтимоий таъминот вазири Баҳодир Умурзоков.

Конференцияда уюшманинг низоми ва унинг раҳбарлари таркиби тасдиқланди. Давлат спорт қўмитаси раиси Баҳодир Махситов уюшма президенти этиб сайланди.

/ЎзА/

К ВНИМАНИЮ АКЦИОНЕРОВ!

Общее собрание акционеров АООТ "Қора-Қамиш бозори" назначенное на 29 апреля 1998 года отменяется, в связи с переносом на другой день.

НАБЛЮДАТЕЛЬНЫЙ СОВЕТ.

Вниманию акционеров АООТ "Қора-Қамиш бозори" расположенного по адресу : г. Ташкент ул. Уразбаева 21

6 мая 1998 года в 16.00 ч. по адресу : ул. Зиямова, 1 в малом зале Собир Рахимовского Хокимията состоится очередное отчётное собрание АООТ "Қора-Қамиш бозори".

Регистрация акционеров и их представителей будет производиться 6 мая 1998 г. с 14.00 - 16.00 ч.

Акционеры и их представители должны иметь при себе:

— удостоверение личности;
— доверенность на голосование.

Повестка дня:

1. Об избрании счётной комисси.
2. Об утверждении Регламента общего собрания.
3. Об утверждении годового отчёта и финансовых результатов хозяйственной деятельности за 1997 г.
4. О заключении ревизионной комисси и аудитора АО.
5. О распределении прибыли и выплате дивидентов за 1997 г.
6. Об утверждении аудитора АО.
7. О новой редакции Устава АО.
8. О передаче управления обществом управляющей компании иили индивидуальному предпринимателю - управляющему.
9. Об утверждении сметы доходов и расходов на 1998 г.
10. О передаче полномочий общего собрания акционеров Наблюдательному Совету.
11. Об избрании нового состава Наблюдательного Совета.
12. Об избрании Правления АО.
13. Об утверждении положения о Наблюдательном Совете.
14. Об утверждении положения о ревизионной комиссии.

В собрании имеют право участвовать акционеры, зарегистрированные на 20 марта 1998 г.

С годовым отчётом, заключением ревизионной комиссии и аудитора, сведениями о кандидатах в Наблюдательный Совет, и Ревизионную комиссию, положениями о Наблюдательном Совете и Ревизионной комиссии и Уставом общества в новой редакции акционеры могут ознакомиться с 15 апреля по 5 мая 1998 г. с 9.00 ч. по 16.00 ч. в здании АООТ "Қора-Қамиш бозори".

НАБЛЮДАТЕЛЬНЫЙ СОВЕТ «ҚОРА-ҚАМИШ БОЗОРИ»

Sport • Спорт • Sport • Спорт • Sport •

БИР ХИЛ НАТИЖА БИЛАН

Миннеаполисда (АҚШ) фигурали учиш бўйича жаҳон биринчилиги ниҳоясига етди. Нагано олимпиадасида бўлгани каби, мамлакатимиз ушбу мусобақаларнинг икки турида - эркак ва аёллар орасида якка учишда қатнашди.

Дастлаб Роман Скорняков курашга отланди. Саралаш босқичидан сўнг Роман гуруҳлардан бирида 6-ўринда эди. Ихтиёрий дастурдан сўнг 14-ўрин эслатиб ўтмоқчимиз, ҳамюртимиз Нагано да 19 чи бўлганди олтин медал эса, россиялик Алексей Ягудинга насиб этди. Ягудин Россия терма жамоасида олимпия чемпиони Илья Куликдан сўнгги иккинчи олди эди. Кулик саломатлиги ёмонлиги сабаб жаҳон биринчилигида қатнашмади. Шунингдек, Америкада кейинги йилларда пешқадамлардан бири канадалик Элвис Стойко ҳам иштирок этмади.

Аёллар ўртасида биринчиликда ҳам қатор етакчи спортчилар қатнашмади. Америкалик 15 ёшли олимпия чемпиони Тара Мининскига ота-оналари муз майдонига чиқишни таъқиқлаб қўйишди. Уларнинг фикрича, Тара ҳаётида энг муҳими - ўқиш бўлмоғи лозим. 98-йил олимпиадаси бронза совриндори хитойлик Лю Чен ҳам келмади. Француз Сюрия Бонали спортни тарк этди.

Миннеаполисда маҳаллий ишқибозлар севинчига Мишель Кван ажойиб қатнашиб, олтин медал сохиби бўлди. Нагандода эса у иккинчи бўлганди.

Ҳамюртимиз Татьяна Малинина ҳам 14-ўринни эгаллади. Қиска дастурда у деярли бехато учган Таня 7-ўринда эди, бироқ финалда ҳаяжонини енга олмади. Шунга қарамай, унинг интилувчанлиги ҳурматга лойиқ.

Спорт жуфтликлари ўртасида россиялик Елена Бережная ва Антон Сихарулидзе, рақс жуфтликлари ичида Анжелика Крилова ва Олег Овсянниковлар 1- бўлишди.

ХАНДАЛАР

Никоҳни қайд қилиш бўлимига келган аёл ўзига қуйидаги хислатларга эга бўлган эр кераклигини айтди:

- Эркак ҳушмуомала, ҳар томонлама билимдон, уй ҳайвонларини севучи, қизиқ-қизиқ нарсаларни сўзлаб берувчи, халқаро вазиятни шарҳлаб бера олувчи ва ҳеч қачон мени гапимни бўлмайдиган бўлиши керак.

- У ҳолда сизга эр эмас телевизор кўрак экан, деди бунга жавобан бўлим мудирасими.

- Эрингизга мутлақо тинчлик ва осойишталик зарур. Мен уйқу дори учун рецепт ёзиб бераман деди врач ёш аёлга.

- Уйқу дорини у қачон ичиши лозим?

- Дори эрингизга эмас сизга!

***

- Азизим мана мен график тузиб чиқдим, - дея нозланиб мурожаат қилди аёл эрига қараб.

- Менинг оилангизга бир оила икки марта бориб турасиз.

- Яхши, қайнонангникига-чи?

- Икки йилда бир марта...

***

Эр-хотин ажрашмоқчи бўлиб, ҳамма нарсани бўлишди-ю болаларга келганда уйланишиб қолишди. Чунки уларнинг учта фарзандлари бор эди.

Шунда эр:

- Кел, яхшиси, кейинги йилда ажрашамиз, - деди.

- Нега? сўради хотини.

- Янаги йилгача яна битта фарзандли бўламиз.

"ПТС" ФИРМАСИ

ҚУЙИДАГИЛАРНИ СОТАДИ:

САУНАЛАР УЧУН МАХСУС ДАВОЛАШ ЭЛЕКТР УСКУНАЛАРИ;

КИЧИК НОНВОЙХОНАЛАР (4 хилдаги: 160. 80, 32 ВА 8 буханка нон пиширишқуввати-га эга);

ЭЛЕКТР КАЛОРИФЕРЛАР — ИСИТГИЧЛАР;

ХАМИР ҚОРГИЧЛАР;

ДУДЛАШ ВА ҚУРИТИШ ҚУРИЛМАЛАРИ;

ДИСТИЛЛЯТОРЛАР;

САНОАТ ЭЛЕКТР ПЛИТАЛАРИ.

Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри С.Раҳимов метро бекати.
Тел: (3712) 79-14-29, 79-38-54.

Бош муҳаррир ўринбосари: Чори ЛАТИПОВ

Бош муҳаррир қабулхонаси-56-25-36
Бош муҳаррир ўринбосари-56-52-89
Масъул котиб - 56-52-78
БЎЛИМЛАР:
Касаба уюшмалари ва иқтисодиёт-56-82-79. Ахборот ва спорт-56-87-63. Маънавият ва маданият - 56-82-79. Хатлар, оммавий ишлар ва мухбирлар билан ишлаш - 56-85-43. Тижорат ва ҳуқуқ-56-85-66.
ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:
Жиззахда - 3-83-01, Наманганда - 6-22-10, Самаркандда - 35-64-24, Фарғонада - 24-58-43, Урганчда - 6-03-40, Қаршида - 5-33-71.

Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган.
Сотувда эркин нархда.
Манзилимиз: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» (собиқ «Правда Востока») кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи: 133; 134
Газетага 1994 йил 14 январда Узбекистон Давлат Матбуот қўмитаси томонидан 5 рақамли гувоҳнома берилган. ІВМ компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ.

«Шарқ» нашриёт—матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41—уй.

Босишга топшириш вақти — 21.00
Топширилди 21. 00

Буюртма Г— 011147. Нусхаси — 24.738. Масъул навбатчи: Довур ЖОЗИЛОВ.

1 2 3 4 5 6